



Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

1956-yil 4-yanvardan chiqqan boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAViy-MA'RIFIY, IJTIMOiy GAZETA

2022-yil 9-sentabr / № 31 (4690)

ОЗАРБАЙЖОНДАН МАКТУБЛАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
МУХТАРАМ Ш.М.МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
МУХТАРАМ Ш.М.МИРЗИЁЕВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ
ШАВКАТ МИРОМОНОВИЧ МИРЗИЁЕВГА

Қадрли Шавкат Миромонович!
Озарбайжон Республикасининг бир гуруҳ фуқаролари қаторида мени Ўзбекистон Республикасининг юксак мукофоти — “Дўстлик” ордени билан мукофотлаганингиздан бағоят мамнунман. Бу мен учун улкан шараф ва камтарона меҳнатимга берилган юксак баҳодир.

Айниқса, мазкур мукофотни Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллик куни арафасида олганим менга алоҳида фахр-ифтихор бағишлайди.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизни ушбу улғу байрам билан табриклашга рухсат бергайсиз. Сизга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, Ўзбекистон халқига эса фаровонлик ва доимий равиш тилайман.

Мен ўзбек халқининг бой ва қадимий маданиятига доимо чексиз муҳаббат билан қараб келаман. Ўзбекистонда фаолият юритган йилларимда кўплаб дўстлар орттирдим ва бу мамлакатда иқтидорли, меҳнатсевар ва ватанпарвар инсонлар жуда кўп эканлига гувоҳ бўлдим.

Сизнинг бевосита раҳбарлигингизда сўнгги йилларда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида шиддатли ижобий ўзгаришлар амалга оширилаётганини катта қизиқиш ва хурсандчилик билан кузатиб келмоқдам.

Мен учун азиз ва қадрли бўлган Ўзбекистон бугунги кунда ҳам ўз халқи манфаатлари йўлида мустақил сиёсат юритиб, қучли ва тез ривожланаётган мамлакат сифатида халқаро майдонда муносиб ўринга эга бўлиб бораётганидан бениҳоя хурсандман.

Озарбайжон ва Ўзбекистон халқлари чўқур ва мустаҳкам тарихий ва маданий ришталар билан боғланган. Ҳозирги кунда ҳам икки давлат раҳбарларининг узоқни кузлаб ва оқилона олиб бораётган сиёсати туфайли ушбу алоқалар барча соҳаларда фаол ривожланиб, кенгайиб бормоқда.

Бундай пайтда фан ва маданият вакиллариининг асосий вазифаси халқларимиз манфаати йўлида маънавий-маърифий ҳамкорлигимизни юқори даражада йўлга қўйиш ва амалга оширишдан иборатдир.

Бугун мана шундай юксак мукофот билан тақдирланишим Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасидаги илмий алоқаларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўлиш борасида зиммамга янада катта масъулият юклайди.

Муҳтарам жаноб Президент!

Сизга яна бир бор чин юракдан миннатдорчилик билдираман. Чўқур эҳтиром билан,

Шахин МУСТАФАЕВ,
Озарбайжон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси

Қадрли Шавкат Миромонович!

Менинг камтарона меҳнатимга юксак баҳо бериб, “Дўстлик” ордени билан мукофотлаганингиз учун Сизга самимий миннатдорчилигимни изҳор қиламан. Бундай юқори баҳо нафақат менинг меҳнатимга, балки Озарбайжоннинг филология фанига берилган баҳо ҳамдир.

Қардош Ўзбекистон турк дунёсининг энг муҳим давлатларидан биридир. Ушбу мамлакатда барча нарсаси бор: салкам ярим миллион километр квадратлик унумдор замин, мафтункор табиат, шонли ғалабалар вориси бўлган 35 миллионлик меҳнаткаш халқ, қадим ўтмиш, бой маданият, бетакрор меъморий ёдгорликлар, сир-асрорга тўла мусиқа ва ниҳоят, ноёб пазандалик санъати...

Ўзбекистон, қаерда бўлмасин ўзидан адолат, тартиб ва интизомни мерос қилиб қолдирган соҳибқирон Амир Темур, улкан ҳудудларда исломнинг тарқалишида асосий роль ўйнаган, қилич ва қалам эгаси бўлмиш машҳур ғозий Заҳириддин Муҳаммад Бобур, ўзининг “Зижи Қўрагоний” деб номланган тенгсиз асари билан дунё илм-фанини бойитган даҳо олим Мирзо Улугбек, адабиёт тарихида ўчмас из қолдирган буюк шоир ва мутафаккир Низомиддин Мир Алишер Навоийларнинг ватандир.

Бундай истеъдодли миллатнинг адабиётини тарғиб қилиш, шу соҳада таълим бериш, тадқиқ этиш ва таржима қилиш мен учун ғоят шарафли фаолиятдир. Шу кунга қадар ўзбек адабиётининг кўплаб намуналарини озар тилига таржима қилдим. Машҳур ҳукмдор ва шоир Султон Хусайн Мирзонинг девони, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг танланган асарлари ва унинг “Бобурнома”си, “XX аср ўзбек шеърияти антологияси” менинг илк таржималаримдир.

Кейин эса оғир ва шарафли ишга — улғу ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий асарларини она тилимга ўғиришга киришдим. Навоий қаламига мансуб “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Саъйи сайёр”, “Саҳди Искандарий” дostonлари ҳамда ҳазратнинг беш рисоласини озарбойжон тилида ўз халқимга таништирдим. Шунингдек, буюк шоир ҳақида китоб ҳам ёздим.

Муҳтарам жаноб Президент!

Шахсан Сиз ва Озарбайжон Президенти ҳурматли Илҳом Алиев томонингиздан халқларимизни биргаликда тараққий эттириш йўлидаги саъй-ҳаракатларини барча эътироф этмоқда. Озарбайжон ва Ўзбекистон бундан кейин ҳам Турк дунёсида ҳаммага намуна бўлиб қолишига биз ишонамиз. Ҳурматли Шавкат Миромонович!

Сизга яна бир бор чин юракдан миннатдорчилик билдираман ва ўзбек халқининг ёрқин келажagini бунёд этиш йўлидаги ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайман.

Чўқур эҳтиром билан,

Рамиз АСКЕР,
Боку давлат университетининг
туркшунослик кафедраси мудири,
Бобур халқаро мукофоти лауреати,
Навоий шахрининг фахрий фуқароси

Муҳтарам Президент Шавкат Мирзиёев жаноби олийлари!

Мен ўзимнинг исминини Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида илмий алоқаларни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун “Дўстлик” ордени билан тақдирланган олимлар қаторида кўриб, ниҳоятда хурсанд бўлдим, ҳаяжонландим.

Бу Сиз томонингиздан менинг ишимга ва Озарбайжон Миллий фанлар академияси Низомий Ганжавий номидаги адабиёт институти фаолиятига берилган юксак баҳо. Бундай олий мукофотга сазовор бўлиш менга келгуси ишимда катта масъулият юклайди.

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 31 йиллиги санасида бундай мукофотга муносиб қўрилишим менинг ҳаётимга янги ва тақрорланмас руҳ бахш этганини эътироф этишим керак.

Мен узоқ йиллардан буён Алишер Навоий меросини тадқиқ қилиш билан шуғулланиб келаман. Шу нарсани англаб етдимки, Алишер Навоий ижоди — бу катта тарбия мактаби.

Мен ўз талабаларимга ўзбек халқининг, хусусан, бутун турк халқларининг нақадар буюк бир маънавий мерос, маънавий тарбия академиясига эга бўлганини мумтоз ижодкорлар томонидан яратилган асарлар мисолида тушунириб бераман.

Ўзбек халқи ўзининг қадимий урф-одатларини, қадриятларини бугунги кунда ҳам эҳтиёткорлик билан сақлаб келмоқда, дўстлик ва қардошлик муносабатларини қўлаб-қувватламоқда. Буборада барчамиз Низомий, Навоий ва Ғофурий каби жаҳон адабиётининг етук намоёндалари мероси олдида қарздоримиз.

Ўз илмий ижодим давомида ўзбек зиёлилари ва ўзбекистонлик ҳамкасбларим билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга муваффақ бўлдим. Бу муносабатлар икки қардош халқ олимлари ва ижодкорлари ўртасида қадимдан мавжуд бўлган. Менинг тақдиримга бу шарафли миссияни давом эттириш битилган экани, ушбу йўналишда бор имкониятим билан ишламоқдам.

Мен Озарбайжонда Алишер Навоий ижодини янги давр талаблари асосида ўрганиш билан кифояланиб қолмасдан, замонавий ўзбек адабиётининг етук намоёндалари ижодини, олимларинингизнинг адабиётшунослик соҳасидаги илғор ғоялари ва қарашларини ҳамда бу мавзудаги илмий ишларни Озарбайжон илм-фани билан ўзаро таққослаган ҳолда тадқиқ ва тарғиб қилмоқдам.

Фаолиятим давомида Алишер Навоий ва ўзбек адабиётига бағишланган 30 га яқин китоб ва тўпламлар, 350 га яқин илмий мақолалар ёзиб, чоп эттирдим. 600 йиллик ижодий муносабатларимизни ўзида акс эттирган “Озарбайжон — Ўзбекистон адабий алоқалари” монографияси, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган “Алишер Навоий асри ва насри” монографиясининг муаллифиман. Шу билан бирга, тарихда биринчи марта яратилган, 25 минг сўздан иборат “Озарбайжонча — ўзбекча, ўзбекча — озарбайжонча” лугатнинг муаллифларидан бириман.

Мана, бир неча йиллардан буён Ўзбекистоннинг бир қатор олий ўқув юртлири талабаларига озарбайжон — ўзбек адабий алоқалари мавзусида маърузалар ўқиб келмоқдам. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, Муқимий номидаги Қўқон давлат педагогика институти, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон давлат университетининг фахрий профессориман.

Мен фаолият юритадиган Низомий Ганжавий номидаги адабиёт институтида ҳар йили аънавий равишда Навоий, Бобур кунлари, бошқа мумтоз ижодкорларнинг таваллудига бағишланган халқаро илмий конференциялар ўтказилади. Ушбу анжуманларга ўзбекистонлик олимларни тақлиф этган ҳолда, ўзаро илмий ва адабий алоқаларимизни янада мустаҳкамлаб бормоқдамиз.

Жаноб Президент, кўрсатилган юксак ишонч учун шахсан Сизга яна бир марта ўзимнинг чексиз ташаккуримни изҳор қиламан. Ушбу мукофот нафақат менинг, балки бутун институтимиз фаолиятининг натижаси, деб биламан.

Фурсатдан фойдаланиб, Сизга узоқ умр, мустаҳкам соғлиқ ва мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва қардошлик алоқаларини мустаҳкамлаш йўлидаги фаолиятингизда янгидан-янги зафарлар тилайман.

Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 31 йиллиги нишонланмоқда. Миллий байрамнинг муносабати билан, жаноб Президент, Сизни ва бутун ўзбек халқини самимий қутлашга ижозат бергайсиз.

Мустақиллигингиз абадий бўлсин! Тарихий ўтмишга асосланган миллий давлатчилигингиз аънавалари мангуликка дахлдордир. Дўстлигимиз, қардошлигимиз мустаҳкам бўлсин!

Чексиз ҳурмат ва муҳаббат билан,

Алмас Қасим қизи БИННАТОВА (Алмас УЛВИ),
навоийшунос олима,
филология фанлари доктори

БУГУННИНГ МАВЗУСИ

Тунов куни автобўсга чиқсам, чамаси 6-ёки 7-синф ўқувчиси бўлган болакай сапчиб жой берди, сўнгга қироат билан: “Ассалому алайкум, устоз!” дея саломлашди. Бир йил ичида маҳалла-қўй болалари мени кўрди, дегунча кўлларини кўксига қўйиб, бараварига саломлашишларига ўрганиб қолдим. Аммо бу гал уловдаги одамларнинг каминига ўзгача ҳурмат ила қарашларидан бошқача ғурурланиб кетдим. Мактабда маънавият тарғиботчисиман. Бу ўқувчи бизнинг мактабдан, демак, болажонларга суҳбатларимиз ёқаяпти! Ўқувчилар феълони яхши биламан, дейлик, сени кўрмаганга олиб, тескари қараб ўтиб кетиши ҳам ҳеч гапмас-да.

МАКТАБНИ СОҒИНДИК...



Мактаб давлатнинг энг муҳим бўғини бўлиши, ўқитувчи эса жамиятдаги энг ҳурматли зот мақомига кўтарилиши жуда зарурлиги, бу давр талаби экани ҳақида сўнгги йилларда кўп гапирилди. Барча тарихий даврларда жамиятнинг янгилаш жараёни, авваламбор, таълим тизими ислохотидан бошланган. Ўтган йили ҳар бир мактабда алоҳида штат очилиб, уларга ижодкор ёзувчилар ишга олинди.

Ижод аҳлининг мактабдаги бир йиллик фаолияти натижалари қандай? Бу ҳақда таълим, маънавият ва маърифат муассасалари, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасида маълумотлар кўп. Йил давомида “Мактаб ва ижодкор

ҳамкорлиги” бўйича кўп турфа масалалар ҳал қилинди, камчиликларни бартараф этиш бўйича ишлар амалга оширилди. Масалан, пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек туманидаги 286-мактабда ўтказилган маънавий-маърифий ва китобхонлик тадбирларининг “маъзи” жамланса, бир неча жилдлик сермазмун китоблар юзга келади! Тадбирларнинг фақатгина номлари шартли китобнинг биринчи бобини ташкил этади: “Заковат” интеллектуал шуоси, “Порлоқ келажакка қадам” номли ҳарбий-спорт уйинлари, “Ижодкор ёшлар” фестивали, “Истеъдодли ёшлар — бизнинг фарҳимиз”, “Таълим, тарих ва маънавият”, “Эсселар танлови”, “Шеърият кечаси”, “Ренессанс пойдевори”, “Буюк аждодлар ёди”, “Жасорат ва шижоат”, шунингдек, футбол, шахмат, гимнастика ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар...

Мактабда деярли ҳар куни маънавий-маърифий, оммавий-спорт, танлов, мусобақа каби тадбирлар бўлиб ўтади. Уларда навбати билан барча синфлар ва ҳар бир ўқувчи ўз қизиқиши ва иқтидорига кўра қатнашади. Буларнинг ортида эса ўқитувчи ва устозларнинг қанча меҳнат ва изланишлари, сабоқ, машаққат ва ҳаяжонлари ётади! Таниқли шоир Бобур Бобомурод билан адабий учрашувда 7-синф ўқувчиси Бобурбекнинг “Баҳру байт” айтишуви, шоир Зикрилла Неймат давраси бир зумда ижодкор ўқувчиларга тўлиб кетгани, адиб Ҳаким Сатторийнинг “Тарих, ижод, мактаб ва жамият” деб номланган давра суҳбати, она тили ва адабиёт фани ўқитувчиси Дилфуза Маннопова, олий тоифали устоз Фотиما Эшонхўжаеванинг очик дарслари, тажрибали устоз Гулистон Асатованинг маърифий суҳбатлари ўқувчиларда унутилмас таассурот қолдирди.

«АДОЛАТ ФАСЛИ» САҲНАДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 31 йиллиги кенг тантана қилинаётган кунларда Ўзбек миллий академик драма театри жамоаси Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг Соҳибқирон Амир Темур ҳаётига бағишланган “Адолат фасли” асари асосидаги спектаклни томошабинлар эътиборига тақдим этди. Спектакль юртимизнинг маънавий-маърифий ҳаётида воқеа бўлди.



Албатта, жаҳон адабиёти ва санъатида Амир Темур ҳаётига бағишланган жуда кўп бадиий-тарихий асарлар яратилган, уларнинг барчасида Соҳибқирон характери ва фаолияти турли ракурсларда намоён бўлган. Жумладан, ўзбек адабиёти ва санъатида Абдулла Орипов, Асрор Семад,

Тура Мирзо асарларида унинг кўпқиррали, мураккаб характерини биографик сюжет асосида яратишга ҳаракат қилинган. Бу асарлар ўз даврида Миллий академик драма театрида саҳналаштирилган.

Бугунги тезкор ҳаёт барча соҳалар қатори театр санъати олдида ҳам



янги талабларни қўймоқда, халқ онгидаги буюк ўзгаришларни акс эттирадиган, ҳажми кичик бўлса-да, катта фалсафий ғоялар акс этган асарларни саҳнага олиб чиқишни тақозо этмоқда. Шу маънода, “Адолат фасли” спектаклида бир воқеа атрофида конфликт ва қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, манфаатлари ўзаро тўқнашади, охири-оқибат салтанатни бошқаришда шахсий манфаат учун эмас, балки адолат билан иш юритиш муҳим экани мураккаб образлар силсиласида намоён бўлади.

Соҳибқирон буюк салтанат тузиб, адолат ўрнатган чоғида бир қанча мамлакатни бирлаштириб, ишониб топширилган ўғли Мироншоҳ сарой аъёнлари билан маишатга берилади. Бундай номаъқулчиликларни келини Хонзодадан эшитган Амир Темур Шохрухияга келиб айбдорларни сўроққа тутди ва айбларини бўйнига қўйгач, маишатқўрларни дорға осигаша амр этади. Драманинг ана шу саҳнаси спектаклнинг энг юқори нуқтаси бўлиб, унда барча персонажлар бир тараф, Соҳибқирон бир тараф бўлиб қолади.

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

Бугунги мактаб ҳаёти бадий адабиётда акс этаётир. Масалан, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига маънавият тарғиботчиларининг ижод намуналари жамланган тўплам нашрга тайёрланяпти. Бу тўпламдан мактаб ҳаётига оид шеър, ҳикоя ва публицистик мақолалар жой олган. Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан ёзувчи Ҳаким Сатторийнинг “Мактаб чорлайди” номли китоби чоп этилди. Муаллиф ҳаётини кузатувлари асосида бугунги таълим-тарбия ва мактаб ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашди.

Булар дастлабки нишонлар, яъни ижодкорларнинг мактабдаги илк таассуротлари натижаси, дейиш мумкин. Устозлар, ўқувчи-

Машғулот яримлаган, ўқувчилар берилиб тинглаётган чоғда адиб тўсатдан: “Менинг исимим ва фамилиям ким?” деб сўраб қолди. Қизиги, боғина синфга таништирилган, ўзлари асарларини ўқиган ва саволлар бераётган адиб исмини бирорта ўқувчи эслай олмади! Устига-устак, каминанинг, “Мактабга кираверишда ўнг томондаги деворда қандай ҳикматли сўзлар ёзилган?” деган саволим вазиятни янада “чигаллаштирди”.

Бу нимадан дарак? Ўқувчиларнинг кузатувчан ва эҳнли бўлиши, улар хотирасини чархлаш учун қандай машғулотлар уюштириш керак? Хотира ва эҳн сустиги сабаби ўқувчилар таомида, тегишли машғулот ўтилмаслигида ёки атроф муҳитда-ми? Балки фаромушлик сабабчиси — ўқувчининг қўл телефони-дир?

мизки, туман (шаҳар) ҳокими ўз худудидаги мактаб таъмири учун жавоб бериши керак, — деб ёзади у. — Аммо мактаблар таъмири борасида баъзи “ўйинлар” ҳам бўлиб туради. Президент ҳокимларни мактаблар қурилиши бўйича қаттиқ танқид қилган, анча йиллар мактаб директори бўлиб ишлаган ҳодим билан бўлган суҳбат яна ёдимга тушиб қолди.

Хуллас, бир мактабнинг ҳожатхонаси ачинарли аҳволда бўлган. У ерга ҳоким бориб, директордан қандай муаммо бор деганда, директор ҳам ҳал қилиб берса керак, деган умидда шартта “ҳожатхонани таъмирлаш керак”, деб юборади. Ҳоким ҳожатхона муаммосини ўзича дафтарига ёзиб олибдида, мактабдан чиқибок Халқ таълими бўлими мудирига телефон қилиб, ўша мактаб ҳожатхонасини тезда таъмир-

бугун мактабларга эркак ўқитувчиларни қайтариш осон кечмаяпти. Масалан, Мирзо Улуғбек туманидаги 286-сонли мактабдаги жами 73 нафар ўқитувчиларнинг атиги 10 нафарини эркак ўқитувчилар ташкил қилди. Бошқа кўпгина шаҳар мактабларида бу курсаткич янада пастлиги сир эмас.

Президентимиз бундан уч йил муқаддам 2030 йилда мактаб таълимини дунёнинг энг илғор ўнталигига кириштиш ҳақида топшириқ берган эди. Бу — жуда юксак марра, соҳа ривожи учун улкан саъй-ҳаракатларга даъват, демокдир. Бир неча йил аввалги маълумотга кўра, Ўзбекистон мактаб таълими даражалари бўйича БМТнинг 0.729 индекси билан, 189 та давлат орасида Қирғизистондан кейинги 71-ўриндан жой олган эди. Ҳўш, ўтган давр ичида қандай ўзгаришлар юз берди? Агар мактаб таълими соҳамиз 2030 йилга бориб энг илғор ўнталиққа кирмоқчи бўлса, масалан, АҚШ, Бельгия, Швеция ва Дания каби илғор давлатларни қувиб ўтишимизга тўғри келади. Бунинг учун эса, ҳар йили 7-8 давлатни ортда қолдириб юқорилашимиз керак бўлади!

Лекин тан олишимиз зарур, бу соҳада ҳануз олди-қолди гаплардан нарига ўта олмаётганимиз ҳақида давлат раҳбари қуйиниб гапирмоқда. Масалан, кунчи кеча мактаб дарсликлари ижараси нархларининг бир неча баравар оширилгани кўплай эътирозларга сабаб бўлди. Масалага Президент аралашувидан сўнг ижобий ечим топилди. Шунинг ўзиёқ таълим соҳасидаги слоҳотлар нақадар долзарблигини яққол кўрсатади. Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз бир йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқида буни яна бир бор таъкидлади: “Мен доим айтганман ва яна қайтараман, биз учун биринчи ўринда таълим, таълим ва яна таълим туради. Фарзандларимиз замонавий билим ва кўникмаларни пухта эгаллашлари учун энг қўлай шароитлар яратишни изчил давом эттирамиз”.

Бугунги мактаб битирувчилари замонавий кўникмаларни эгаллаган, ахборот технологияларини пухта ўзлаштирган, креатив фикрлайдиган, мустақил қарор қабул қила оладиган ва дунёқараши кенг шахслар бўлиши лозим. Мактаб — катта авлод учун болалиқнинг ширин хотиралари яшайдиган азиз даргоҳ, фарзандлар учун эса келажакка элтувчи пиллапоядир.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ХАБАРЛАРИ

АҚШ Конгресси кутубхонасининг немис тилидаги адабиётлар бўлими ходими доктор Дэвид Б.Моррис “Бобурнома”нинг немис тилидаги янги нашри кутубхонага қабул қилинганини хабар қилди. Янги таржима Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фахрий аъзоси, профессор Хельмут Далов томонидан амалга оширилган.

Олмониялик таржимон жорий йилнинг май ойида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур асари таржимасининг қайта нашри ҳақида хабар берганди (биринчи нашри 2016 йили чоп этилган).

Шу кунларда Малайзияда IBBY Бош ассамблеясининг 38-халқаро адабий ҳафталиги ва халқаро болалар адабиёти танловлари бўйича иштирокчиларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтмоқда.

IBBY Бош ассамблеясига аъзо мамлакатларнинг болалар ёзувчилари, рассомлар, таржимонлар, ноширлар ва бошқа соҳа вакиллари иштирок этаётган мазкур халқаро тадбирда турли китоб кургазмалари, учрашувлар, суҳбатлар, адабий кечалар ўтказилади. Тадбирлар доирасида Андерсен номидagi халқаро мукофот совриндорларини тақдирлаш ҳам кўзда тутилган. Ушбу мукофот болалар ва ўсмирлар адабиётига доир асарларга ва ижодкорларга берилади. Ҳафталиқда Халқаро болалар ва ўсмирлар кенгашининг Ўзбекистон Республикаси Миллий шуъбаси вакиллари Вероника Аҳмедова, Саида Рашидова, Ориф Тўхташев ва Чарос Мирхолиқова ҳам иштирок этмоқда.

Берарусь Республикасининг Дубаш шахрида ўтказиладиган ХХІХ белорус ёзуви кўнлари арафасида “Китоблар — адабий қадриятлар сари йўл. Асос — адолат” мавзусида халқаро онлайн давра суҳбати ташкил этилди. Беларусь Ахборот вазирлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон, Озарбайжон, Қозоғистон, Россия ёзувчилари, таржимонлари, жамоат ва адабий ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Санкт-Петербургда ўтган ХVІІ китоб салони қатнашчиларининг ташаббусига кўра, тадбир ўқувчиларнинг маънавий-ахлоқий қарашларини шакллантирувчи қадриятлар талқин этилган китоблар рўйхатини шакллантириш мавзусига бағишланди. Тадбир давомида Санкт-Петербургда ва Беларусь Республикаси ноширларининг биргалиқда амалга оширган лойиҳаси тақдим қилинди. Экспертлар гуруҳи адолат мавзуси яхши ёритилган ўн иккита китоб рўйхатини эълон қилди. Ўзбекистон томонидан ушбу рўйхатга Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони, Чингиз Айтматовнинг “Чингизхоннинг оқ булути” қиссаси, Рабиндранат Тагорнинг “Ҳалокат” ҳамда Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романларини ҳам киритиш таклиф этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Ўзбекистон маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Республика Кенгаши ўртасида меморандум имзоланди.

Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиiddин Сайид ўзаро ҳамкорликдан кўзланган мақсад ва вазифалар хусусида тўхталиб ўтди. Тадбирда уюшма фаолиятини, шунингдек, адабиётимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган кекса авлод вакиллари ва фаол ижодкорларни ижтимоий-маънавий қўллаб-қуватлаш ҳамда маиший, тиббий ва маданий хизматларни ташкил этиш масалалари юзасидан ўзаро келишиб олинди.

Ҳамкор ташкилот вакиллари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси тарихи музейи билан танишишди.

Эркин ҲОЖИМУҲАММАД

ҚОНУН ТИЛИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Бугунги кунда Янги Ўзбекистоннинг барча соҳалардаги тараққиёт босқини Учинчи Ренессанс даври билан ҳамоҳанг тарзда амалга ошмоқда. Бундай мураккаб ижтимоий-ҳуқуқий жараёнларда, энг аввало, фанларнинг ўзаро интеграцияси муҳим



тимиз ҳуқуқшунос ва тилшунос олимлари томонидан қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, турли даражадаги диссертациялар ҳимоя қилиниб, рисоалар нашр этилди, лугат ва илмий мақолалар яратилди. Бироқ фанларнинг ўзаро интеграцияси муҳим ушбу китоб соҳанинг ўта мураккаб ва ноаҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан ўзбек ҳуқуқшунослиги мустақиллик йилларида тубдан шаклланиб, тадрижий тарзда ривожланиши, айнан бошқа фанлар билан уйғуллашиб, янада такомиллашаётгани диққатга сазовор.

Бу борада қинда профессор Шухрат Кўчимовнинг Тошкент

зиклигини инобатга олиб, унда фанлараро илмий йўналиш бўлгани боис ўзбек ҳуқуқшунослиги ва тилшунослигини интегратив тарзда, яъни образли айтганда, “тарозининг палласини тенг саклаш” талаб этадиган мураккаб илмий-амалий тадқиқот ҳисобланади.

Китобда қонунчилик услубияти масалалари илмий жиҳатдан, жумладан, қонун тилининг лексик-семантик, грамматик, синтактик ва морфологик хусусиятлари тадқиқ қилингани амалдаги қонунларимизни сифат жиҳатдан такомиллаштириш ва унга баҳо бериш имконини беради.

Беҳинчидан, жаҳон илм-фанида “Юрислингвистика” деб номланган янги махсус фанлараро илмий йўналишининг Янги Ўзбекистонда ҳам ривожланишига муҳим ҳисса қўшади. Натижада мамлакатимиз қонунчилик тизимини такомиллаштириш, норма ижодкорлигида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳам ҳуқуқий, ҳам лисоний ёндашувлар асосида қиёсий таҳлил этиш имконини беради.

Ўзбекистонда қонун ижодкорлиги, суд

лингвистикаси экспертизаси, лингвокриминалистик экспертиза соҳаларининг том маънода ривожланиши учун айнан ҳуқуқ ва тил интеграцияси, яъни юрислингвистикага асосланган ихтисослашган кадрлар тайёрлашни йўлга қўйишга хизмат қилади. Мазкур илмий монографияда ўзбек олим профессор Ш.Кўчимов ўз тадқиқоти натижасида, жумладан, “Қонун тили ҳар жиҳатдан мукамал бўлиши учун, авваламбор, улар ўзбек тилида яратилиши, ўзбек тилининг мавжуд грамматик қонун-қоидаларига тўла бўйсунуши шарт. Шундан сўнггина бошқа халқларнинг тилларига таржима қилиниши керак” ҳамда “Конституцияимиз нафақат юридик жиҳатдан, балки ифода усули нуқтаи назаридан ҳам бошқа қонунларга юридик тилнинг ягона илмий-амалий андозаси (эталони) бўлиб хизмат қилиши лозим”, деб қайд этилган ҳулосалари жуда муҳим ҳисобланади.

Акmal САИДОВ,
академик

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» анъанавий республика кўрик-танлови ғолиблари аниқланди

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бош ташкилотчилигида бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан биргалиқда Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 31 йиллигига бағишлаб ўтказилган “Энг улуг, энг азиз” республика анъанавий кўрик-танлови аяқуланди. Шу муносабат билан Миллий матбуот марказида ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Етти йўналиш бўйича ўз ижодий ишлари билан иштирок этган қўйдаги иштирокчилар тақдирландилар:

I. “Босма оммавий ахборот воситалари ходимларининг мақолалари” номинацияси бўйича:

1-ўрин: Азиз Норкулов, Ўзбекистон Республикаси Мудоффа вазирлигининг “Ватанпарвар” бирлашган тахририяти бўлиб бошлиғи — республика матбуотида эълон қилинган “Бобомнинг омонати”, “Энг покиза таом”, “Ота уй” ва бошқа долзарб мавзудаги мақолалари учун;

2-ўрин: Муроджон Раҳматов, журналист — республика матбуотида мустақиллик ғоялари сингдирилган бир қатор долзарб мавзуларда эълон қилинган материаллари учун;

3-ўрин: Алиа Абдурахманова, “Нурлы жол” газетаси катта муҳбири — “Нурлы жол” газетасида эълон қилган туркум материаллари учун.

II. “Оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатига олинган веб-сайтлар ходимларининг журналистик ишлари” номинацияси бўйича:

1-ўрин: Инобат Аҳатова, “Oyina.uz” журналисти — “Oyina.uz” сайтида эълон қилинган инсон қадри ва Ватанни улуғловчи туркум мақолалари учун;

2-ўрин: Аҳмадали Шерназаров, “Халқ сўзи” газетасининг Сирдарё вилояти бўйича муҳбири — “Халқ сўзи Online” сайти ва муаллифининг @Ahmadali_Shernazarov “Telegram” каналида эълон қилинган Ватан мадҳини тараннум этувчи публицистик ва танқидий-таҳлилий мақо-

лалари учун;

3-ўрин: Абдували Бўриев, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги(ЎзА)нинг Навоий вилояти бўйича муҳбири — юртни улуғловчи, слоҳотлар кенг ёритилган туркум материаллари учун.

III. “Телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари” номинацияси бўйича:

1-ўрин: Хуршид Қодиров, “O‘zbekiston 24” телерадиоанали шарҳловчиси — “Тахлилнома”, “30 июнь — Ёшлар куни”, “Инсон қадри учун” кўрсатувлари учун;

2-ўрин: Абдулла Айизов, “O‘zbekiston” радиоканали бўлиб мудир — “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” шiori асосида тайёрлаган “Миллат ва маънавият”, “Адабий жараён”, “Бедорлик” эшиттиришлари учун;

3-ўрин: Жасурбек Абдурахмонов, “Менинг юртим” телеканалининг Марказий студияси муҳаррири — долзарб мавзудаги туркум лава ва телерепортажлари учун.

IV. “Журналистлар томонидан нашр этилган публицистик мавзудаги китоблар” номинацияси бўйича:

1-ўрин: Ҳусан Карвонли (Ҳусан Нишонов) — “Ўзбек шахматининг олтин авлоди” китоби учун;

2-ўрин: Муҳтарам Улуғова — “Изтироблар ҳаловати” китоби учун;

3-ўрин: Лола Нишанова, “Новая Сырдарья” газетаси муҳбири — “Люди и судьбы” публицистик тўплами учун.

V. “Ёзувчи ва шоирларнинг бадий асарлари” номинацияси бўйича:

1-ўрин: Неймат Арслон — ўқувчилар қалбида эзгуликни, миллий этишқол ва она Ватанга муҳаббат, буюқ тарихимиз ва маданиятимиздан ифтихор, соғлом дунёқарашни шакллантириш, улар онгига миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдиришга хизмат қиладиган “Ёзув-

бунёдкорлик ишларида фидойилик кўрсатиб, салмоқли натижаларга эришяётган хотин-қизларга бағишланган шеърини, насрий ҳамда бадий-публицистик асарлар қабул қилинади.

Ижодий ишлар 2022 йил 20 сентябрга қадар қабул қилинади.

Ҳакамлар ҳаёти томонидан ғолиб деб топилган ижодкорлар 1 октябрь — Ўқитувчи ва мурабийлар кун



СЕНГА ОЛИСЛАРДАН ҚҶЛ ЎЗАПАР ЙҶЛ

Икром ИСКАНДАР



Биламан, ҳеч нарса абадий эмас, мангу нарса йўқ бу дунёда, баски, нечун айрилиқдан қўрқай-да абас, озурда дилимга излайин таскин?

Балки сен шоддирсан мендан олисда, лекин аримасдан кўзимда ёшим, қайта учрашмоқни истама-иста, қошимдан чиқарсан яна қуёшим.

Изингдан абад зор қолмасан қараб, мангу тарк этмоқдан сен-да умид уз — айланиб-айланиб замин муқаррар, яна мени сенга қилар юзма-юз.

Хушимни олди ми нозу нағмаси, дардимни айтганим унга нимаси, қанча паривашу юзида оро, қанча пардоз бўлса, шунча бепарво — сенинг тоифангдан гул ҳам чамаси...

Осмон тўлиб қушлар учар, Чаман ичра гуллар рақси. Қуёш қўқдан салом йўллар, Жилга узра нурлар баҳси...

Қайдин келур бунча севинч, Бунча гўзал баҳор фасли? Юрак шодлик ила тепар, Насиб этмиш сенинг васлинг.

Мен буни дилимга солмадим атай, билмам, изҳор қилиб бўлмас бу ҳисни қандай изҳор этай, нима деб атай, юрагимда эсган севги — шамолнинг суратини қандай чиғиб кўрсатай?..

— Хонасида экан. Ётгандир-да, шанғиллаб. Иван шифтдан кўз узмайди. Ёнида врач. — Сенга нима бўлди? У дераза томонга юз бурди: — Яна уруш... — деди у ихраб. — Бу нима деганинг? — Ўғлим... Ўғлим. Кўнгилли бўлиб, урушга кетармиш. Кеча телефон қилди. — Тилини, ўз тилини олмос билан тилиб ташлабди, — деди врач шивирлаб. — Бу қанақанги аҳмоқлик?! Мен сескабик кетдим. — Эн... эн... энди... гап йўқ, — деди у менга ўғирилиб. Лаб-лужжи шишган. Оғзининг бир бурчидан қон сизиб турибди. — Нима қилиб қўйдинг, тентак?! — дедим титраб. У кўзини юмди. Юзини яна мендан олиб қочди. Кенга ақин хотини келди. Иван ётган кароватга кўксини тираб, зор-зор қақшади: — Иван, Иванушка! Ўғлимиз ҳеч қаерга бормайди. Ҳеч қандай урушга бормайди, Иван! Ҳарбий комиссарликдагилар ҳам жиннимас-ку, ҳар қандай болани урушга олиб кетаверишса... Уни олишмайди, ишон, олишмайди. Аризасини қайтариб олади. Иван хотини томон ўғирилди. Унинг нигоҳида ёш томчилари килқиллаб турарди. Иванни хотини олиб кетди. Мен бошқа столдан жой олдим. Гоҳ-гоҳида ўзимизнинг столга кўз ташлайман. Иван менга жилмайиб қараётганга ўхшайди. Юрагим тарс ёрилиб кетгудай бўлади. Бўғзимга тикилган ўқрикни зўрға тўхтатиб қоламан. Борлиқни тутган сукунат оғриғидан қулоқларим тош битгандай бўлади. Мени ҳам гўё жимлик ўпқони юта бошлайди. Емакхонадан чиқдим. Дунё бўм-бўш, ёлғиз эканлигимни англадим. Ва, бу дунёга менинг ҳам айтар гапларим қўп-лигини ҳис қилдим...

БАҲОР

Оча билармикан сенчалик чирой, порлай олармикан кўзингдай... Деразангдан ҳавас билан қараб туради яшнаб турган сумбатингга маҳлиё дарахт.

Ё сени кўриб келай, ёки сенга кўриниб, дея мўл-қўл йўл босдим, қиш — олти ой уриниб.

Юрагимни зимистон айрилиқ эгаллаган, ҳатто қуёш юзини кўрмаган бир паллада умидларим чечакдай қишдан бус-бутун чиқди, узокдан оқаришиб кўриндинг у кун чиқди — кўз олдимдан туманлар тарқаб кетди жимирлаб, кўксимдаги минг йиллик музлар эриди бирдан, айрилиққа хотима ёзиб кетмоқда аёз, яқин қолдим мен сенга, яқин қолди менга ёз...

Кўришганда бир оғиз не бўлди деб суриштир, кўксимда кўп қўҳна жанг: ёз қиш билан уришди.

Бутун умрим сенинг ёнингдан ўтдим. Хаёлинг олишга етмади умрим — бир оний лавҳадай ёдингдан ўтдим.

Ул дилраболарким даҳр боғида нозик ниҳоле битибдурлар, Аларни гоҳи Лайли, гоҳ Ширин деб, қаламидан битиб дурлар, Ёзмишким, невчун айрилай эмди ҳазрат Навоий девонидин, Мен — девонадин Фарҳоду Мажнун деб ҳам ривоят битибдурлар.

бир тори демаким бор тори, зораким, кўнглим бўшатгайдим, кўнглидан бўлак ушатгайдим. Бағрига олса ул шикаста, сиймин бўйига мен ҳавасда. Менга дил очса ул созим деб, мен дилим куйласам розим деб, булбуллар тинглаб лол бу розни, таниса дард тўла овозни. Ҳам чалиб-тинглаб ул тўймаса, куймаса, бағридан куймаса...

Аммо бу бариси хаёлдир, ёнига бормоқ ҳам маҳолдир, беҳуда ўй суриб ётмишман... Қотмишман, тош каби қотмишман.

Шукр, бўлибмен ноил эътиборига ёрнинг, Кўйида куйманиб жон ўрнида изин сақлаб, Кўзларимга сурубмен ҳар босган қадамини... Ёр бизни Мажнун демиш, бул лақаб била алқаб.

Сен борсан. Мен учун шунинг ўзи бас. Кафтимда турибди юрагим, мана — қай тарафга юрмай яна ва яна фақат сен томонни кўрсатар компас.

Севмасингни айтдингми, келмасингни айтдингми, ёки кўзгуга қараб айтаяспанми ҳамон — боқиб бирор тешиқдан овозингни эшитган, ҳар қалай бир нимани билиб олган бу шамол.

Севай сени ўлгунча, ўлай сени севгунча, одам дегани шунча қийнарни ошиғини... Кўча-қўйда увиллар, увиллар том бошида, дил хувиллар эшитиб шамолнинг қўшиғини.

Кўнглимга йўл топмоқ бўлиб ўксинма, йиғлама, тушун, қанча ожиз бу ирмоқ — кўз ёш... Йўлига ғов бўлиб ётар кўксимда юрак ҳажмича келадиган улкан тош.

Туни бўйи тин билмай томда бир маршни машқ қилади ёмғир. Билмам, қайга отланар тонгда?

Мана, йилларки, ҳузуримга келиб-кетиб юрар, эски жароҳатларим даволар — менга унутмоқни ўргатади Вақт.

Очилиб бу заррин гул қопқаси, таралар хуш исли қақҳақаси, тонг била уйғонган нозин кўринг, бонг ила уйғун бу созин кўринг — булбулни куйлатган ҳам ўшадир, кўнглини суйлатган ҳам ўшадир — ошқора этибман суйганимни, ишқида ўт-оташ куйганимни, кўзимни йўлида нақш этганим, жонимни кўйида бахш этганим, вале бир дод-фигон этмаганим, дилимнинг қатига кўмганларим суйлабман, сел бўлиб ўмганларим, очилар қачон, деб, дарвозаси, келар, деб, ғунчадай овозаси — дардимга малҳамдай эмиш шунча, тонг чоғи очилган кумуш ғунча.

БИР САҲАР

Бу гулшан не янглиғ боғ эди, қайсики, бир саҳар чоғ эди, хаёлим бунда йўқотмишман, ногоҳ бир тош каби қотмишман.

Боғ ичра бир пари-пайкардир, унга сара гуллар навкардир — бош эгиб этмиш бардор-бардор, ул хусн мулкида тантанавор, етти иқлим аро яктодир, не якто, гули нур, дур нодир. Бу гулнинг ким экан боғбони, қай тарз ўстирмиш чароғбони. Билмам, бу ё жонбахш мусиқа, ёки жон олғучи васиқа — илкида чолғу, куй таралгай, не наво, бир олам яралгай. Бўлсайдим кўлида чолғудай, оҳ уриб, оламни олғудай ва ё чолғусининг бир тори,

— Менга қара, вайсақ! Сени Москва ҳам одам қилолмабди. Қанақа маҳлуқсан-а, ўзи?! Овқатингни есанг-чи... Грузин кетгач, татар обзей ҳам нариги столга ўрнашган юртдошлари ёнида бир ўрин бўшлиғи, улар уни қақаришаётгани, бормаса хафа бўлишларини айтиб, бизни тарк этди. Иван иккимиз қолдик, улмаган менинг жоним.

Мен унга кўникиб қолдим. Ҳар замонда уйдагилари бунга қандай чидашар экан, вайсайвериб, еб-ютиб қўйса керак-а, деган ўй кечарди хаёлимдан.

Иван гапираверади, мен уз қуйимча,

— Оила муқаддас нарса. Айтдим-ку, у ҳам мамлакатга ўхшайди, деб. — Мамлакатни тинч қўйсанг-чи! — Ахир, ўзинг... — Майли, тушундим. Бахтли экансан, ошнам! Мен турдим. Овқатингни е. Емакхона эшигига яқинлашган эдим, официант қиз дераза ёнидаги столни кўрсатди: — Ана у ерда бир ўрин бўшади. Хоҳласангиз, ўша ёққа ўтишингиз мумкин. У билан ҳамма ҳам бир столда ўтиролмайди. — Ҳечқиси йўқ, мен ўтироламан.

— Майли, ўзингиз биласиз. У ўтган йили ҳам келувди. Ёнида хотини бор эди. Жудаям чиройли аёл хотини. Эр-хотин иккови бир стол атрофида қолишувди, шериклари бошқа ўринларга ўтиб кетишувди.

— Бу ҳам энди Худо берган феълӣ-руй-да. Нима ҳам қилардик. Лекин Иван кўнгли очик инсон.

— Хотини айтувди, у афгон урушига бориб келгандан сўнг шундай бўлиб қолди, деб. Иккови бир институтда бир йил ўқишган, кейин уни афгон урушига олиб кетишган. У ёқдан яраланиб қайтгач, олти ой госпиталда даволанган.

— Э-э-е, шунақами?! — Ҳа. Олдинлари умуман камгап экан. Институтда ҳам димудирс бўлиб юраркан. Госпиталдан чиққач, бир йилгача ўйга ботиб, гунг-соқов бўлиб яшаган. Гоҳида ваҳима ва кўркув ичида қалтираб, ўзини қўярга жой тополмай қоларкан. Кейинчалик шундай, эзма бўлиб қолибди.

Ошхонадан дилим хира тортиб чиқдим. Ниманидир ҳис қилгандай бўлдим. Эрталаб нонушта пайти унинг кўзларига тик қарадим.

— Иван, урушда бўлган экансан-а?

— Менга қара, вайсақ! Сени Москва ҳам одам қилолмабди. Қанақа маҳлуқсан-а, ўзи?! Овқатингни есанг-чи... Грузин кетгач, татар обзей ҳам нариги столга ўрнашган юртдошлари ёнида бир ўрин бўшлиғи, улар уни қақаришаётгани, бормаса хафа бўлишларини айтиб, бизни тарк этди. Иван иккимиз қолдик, улмаган менинг жоним.

Мен унга кўникиб қолдим. Ҳар замонда уйдагилари бунга қандай чидашар экан, вайсайвериб, еб-ютиб қўйса керак-а, деган ўй кечарди хаёлимдан.

Иван гапираверади, мен уз қуйимча,

ЙҶЛ

Ҳаётнинг паст-баланд синовлари мўл, Баъзан ғам селида юрак-бағринг қўл, Иложсиз тош каби танг қотганинга, Сенга олислардан қўл узатар йўл.

Ҳам англаб кўксингни эзган зорингни, Ҳам борича қабул айлаб борингни, Сенга бир дўст каби кифтини тутган йўлга топширасан ихтиёрингни.

Сўз бошлар гуллаган боғлар ҳақда у, Ярқираган олис тоғлар ҳақда у, Туйқус хотиралар айтиб беради Болалик — беғубор чоғлар ҳақда у.

Далаларда ҳаёт қайнаган дамлар Меҳнатдан осойиш толган одамлар Бахтидан ҳикоя айтар экан йўл, Оҳиста-оҳиста унар қадамлар.

Кўкларга учаркан хаёллар илдам, Бу дунё ўткинчи эканин бул дам Кўнглингдан кечириб борасану жим Ҳаммани кечириб борасан дилдан.

Бир енгиллик қўнар рўҳингга келиб, Туймайсан кенгликлар сари тикилиб... Йўлнинг суҳбатига андармон бўлиб, Ёзилиб боради кўнглинг чигили.

ЯХШИ НИЯТ ҚИЛИНГ

Умрингиздан барака топинг, Ҳеч кўрмангиз ҳаётда камлар, Тонгда туриб шукрлар қилинг, Яхши ният қилинг, одамлар.

Ёруғ сўзлар беринг оламга, Ғамламаг ҳеч юракка ғамлар. Бир бахт қолсин, денг сиз, боламга, Яхши ният қилинг, одамлар.

Инсоф тиланг, басдир ғанимга, Ғаниматдир бу гўзал дамлар. Омон бўлсин дўсту ёронлар, Яхши ният қилинг, одамлар.

Баъзан ҳаёт синаганда ҳам, Симманг, кўздан сизмасин намлар. Надомадга йўл берманг асло, Яхши ният қилинг, одамлар.

КўЧҚОР НОРҚОБИЛ



Мен унга Кавказда, аникроғи, Машуқ тоғи пойидаги санаторияда дуч келдим. Уҳ, Худо урди кишини; жағига ем берганлар хилидан экан. Чакаги тинмайди. Оғзини ёпсанг, қулоғи гапирари. Бутун дунёнинг ташвиши шунга қолганмикан, дейсиз. "... Ҳайронман, бу дунёга нима бўлаяпти..."

Гапни шундай бошлаб, бутун рўйи оламни "кезиб" чиқади. Америка ундок, Россия бундоқ, Осиё унақа, Европа бунақа, Шарқ шундай, Ғарб бундай... ва ҳоказо!

Ҳа, мен шундай бир балога йўлиқдим — Иванга дуч келдим.

— "Ҳайронман, бу дунёга нима бўлаяпти...", — дейиши билан унинг гапини кесаман:

— Э-е-еёй, Иванжон, тўхта! Барака топгур, кейин, кейинроқ... Ҳозир мана шу олдимизга қўйилган емакни захри маргимизга ютиб олайлик. Совумасин, би-родар! Биз — ўзбекда таомнинг тепасида кўп вайсамайдилар.

— Нега?

— Шу... шу, овқатингга шайтон чоптириб кетади.

Тавба, бу гап хаёлимга қаердан келди, ўзим ҳам билмайман.

Иван ҳайратланади:

— Э-е-ей, сиз — ўзбеклардай...

— Майли, майли, кейин гапирасан. Жим, овқатдан олсанг-чи.

Шундай деб оғзига қулф урмасам, бошлаб қолади тағин.

Ўзи бергай, Худойим чевар. Фаришталар — бахти бекамлар Дуо учун қўл очганида, Яхши ният қилинг, одамлар.

Гоҳи қуршаб қоронғу уйлар, гоҳ кўнглини ёритиб нурлар, оқаришган сомон йўлида хасдай тўзғиб борар умрлар.

Учраганга ҳатто қўл силкиб қўймоқнинг ҳам топмай иложин, не макону замонлар оша ошиқади қайга бу очун?

Ёниб турган юлдузлар аро тин билмасдан, билмам, қай сори аравадай тортиб Ер шарин, елиб борар Вақтнинг тулпори...

ПОЛИЗ НАТЮРМОРТИ

Бир тараддуд кезар полизда. Ғарчи ҳали осмон мовийдир, қайноқ кунлар қолган олисда — тарқаётган тун салқинида қовуннинг бадани совийди.

Ўтаётган вақт талқинида тасвир толган қоқ қовоққа боқ. Мана, энди сувлар тиниди, қандай етилди у, бир пайтлар ҳандалақдан олганди сабоқ.

Қуёш ҳали ўқимай байтлар, ҳали қочмай шудрингнинг нами, тарвуз тонгга саломлар айтар — тарсиллаган таранг танидан таралади тароват таъми.

УМР

Баҳор шошқинлиги ўхшайди селга, Ёз ўтар маҳтал бўп бир тутам елга. Ҳорғин кўзларингга уринади куз... У энди сен билан қолишга келган.

ЯПРОҚЛАР САРҒАЯР...

Тушунаман, шартмас, албатта, афсус, ўз вақти-соати бор-ку ҳар дамнинг... Фақат... нега бунча шошиб келар куз, нега бунча йўли узок кўкламнинг?

Ошхонада тўрт кишига мўлжалланган емакстолни Иван иккимиз эгаллаганмиз. Тўғри, олдин тўрт нафар эдик. Шерикларимиз грузин Зураб билан татар инимиз Ринат столни тарк этишди, бошқа жойга жуфтакни ростлаб қолишди. Уларда Иваннинг дийдиёсини эшитиб ўтиришга тоқат қайда. Бу ерга сабрини синамоққа келишмаган-ку.

Иван терсу кўрс гапимизга парво қилмасди. Фақат жағи жавраса-ю, қаршисида динг қулоқ бўлса, бас.

Эллик ёшдан ўтган, қотма балиқдай зингчайир, юз суяклари бўртиб чиққан, нимқисик, айёрона боқувчи кўзлари-ю, чехраси бир пайтда кулиб тургувчи бу ажабтовор зот, айниқса, лабининг бир чети буришиб: "...Ҳайронман, бу дунёга нима бўлган...", — деб гап бошлаган ҳаммоно, бирдан чакка томирлари бўртиб, иккала кўлини нишолдажурак қилиб, стол қирғоғига қўйиб, фалсафа сўқа бошласа, ана ўрнидан туриб кетади, мана ўрнидан туриб кетади, деб анграйиб қараб тураверардим.


Иван Олтой ўлкасининг зинги-бинг, олис бир чекка қишлоғида вояга етган экан. Москвага қадами етиб, ўша ерда ўқиган. Туз-насибаси томир бойлаб, уй-рўзгор орттиради. Нуфузли бир вазирликда ишлайдиган ойдай хотини-ю, бир ўғил, бир қизи борлигини гурунғ равишида қистириб ўтганди. Унинг бунчалар худобехабар эзма эканлигини ҳали сезиб улгурмаган грузин шеригимиз жилмайиб, дўриллаган овозда мактаб ҳам қўйганди:

— Худо ёрлақаган одамсан, ази-зим Иван! Дунёнинг қайси бир еридан Москванга топиб бориб, хотинли ва бола-чақали бўлиб олибсан.

Бу очиккўнгил грузинимизнинг сафимизга келиб қўшилган илк дақиқалардаги гапи.

Кейин... Эртасига Иваннинг дийдиёси дунёга дам бермай, чакаги чархни айлантира бошлагач, аччиқланган грузин ўрнидан сапчиб туриб кетди.

Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш ўзбек адабиётшунослигининг етакчи йўналишларидан бири бўлиб келган. Кейинги йилларда шоир ижодига доир нашр этилаётган тадқиқотларда эса конкретликка интилиш, назарий муаммоларни бутун мураккаблиги билан имкон қадар тўла қамраб олиш, фикр-мулоҳазаларни аниқ далиллар билан баён қилиш бўйи кўрсатмоқда ва бу қувонарли ҳол. Таниқли навоийшунос Қодиржон Эргашевнинг “Алишер Навоийнинг насрий услуби масалалари” (“Мухаррир” нашриёти, 2022) монографияси ана шундай тадқиқотлар сирасига киради. Китоб 4 бобдан иборат, унда буюк адиб насрий услубининг шаклланишига таъсир кўрсатган омиллар, баён тарзи ва тасвир, матн композицияси, символик образлар тизими каби бир қанча масалалар қамраб олинган.



Тадқиқотчи дастлаб ижодкор услубининг шаклланишига таъсир кўрсатган, унинг бетакорлиги, ўзига хослигини таъминлаган ижодий онг хусусида шундай ёзади: “Адабиётшуносликда ижодий онг бадиий онгнинг бир тури, тўғрироғи, унинг ижод жараёнидаги ҳолати, деб қаралади. Бадиий онг бадиий тафаккур билан, бадиий тафаккур эса ижодий метод билан боғлиқдир, зеро, адабиётшуносларнинг таъкидлашича, ҳар қандай ижодий метод асосида муайян бадиий тафаккур типга, реализм реализм тафаккур типга асосланади. Ўз навбатида ижодий метод ва услуби ҳам бир-биридан ажратиб бўлмайди”. Олимнинг фикрича, ижодига ҳолатда “...ижодий, бадиий тафаккур, метод, услуб тушунчаларини барчасини биргаликда, ўзаро боғлиқликда тадқиқ этиш лозимлиги аён бўлади”. Дарҳақиқат, Қ.Эргашев монографияда тўла-тўқис бунга амал қилган.

Муаллиф шоир услубининг шаклланишига таъсир кўрсатган омилларни санаб кўрсатиб, Шарқ насри услубиятидан ўрин олган “изҳори ажз”, “қасри нафс” каби адабий усуллар хусусида атрофлича тўхталиб, уларни билмаслик талқинда қўлаб чалқашликлар, адабиётларни (таассуфчи, кейинги пайтларда давр этикети, хусусан, “қасри нафс”ни чуқур англамаслик оқибатида мумтоз адабиётимиздан маъломатийлик тариқатини “қидириш” ажв олди) келтириб чиқараётганини ўринли таъкидлайди. Тадқиқотчи шоир ижодий онгининг шаклланишида минтақа маданиятида юзга келган уч тиллилиқ (араб, форс, турк) ҳодисасининг айрича аҳамиятини шундай шарҳлайди: “...ўрта асрларда минтақада ижод қилган адибларнинг барчасининг, шу жумладан, фақат бир тилда, ўз она тили — туркийда ёзган шоир ва ёзувчиларнинг ижодий онги ҳам уч тилдан озиклангани, уч адабиёт намуналаридан баҳра олгани инкор этиб бўлмайдиған

ҳақиқатдир”. Айни ҳолат, ўз навбатида, “услубий эркинлик, услубий кенглик”ни таъминлаган.

Маълумки, улуг бобомиз нафақат ижодкор, балки йирик давлат арбоби ҳам эди, асарларида энг юксак идеалларни қуйлади, нафақат қуйлади, балки ўз маслагига-мақсади йўлида курашди ҳам. Унинг ижтимоий фаолияти билан ижодида ях-

БУЮК АДИБНИНГ НАСРИЙ УСЛУБИ

литлик, бирлик мавжудки, ушбу фазилатлари туфайли салаф ҳамда халафларидан алоҳида ажралиб туради. Қ.Эргашев ижодкор меросига айни ҳолатни инobatга олган ҳолда ёндашади. У Навоий насрини, жумладан, “Махбуб ул-қулуб”ни “Қобуснома” ёки “Тулистон” билан қиёсий ўргатувчилар асарни адабий аъналар сатҳида баҳолаб, жанр нуктаи назаридан панднома-дидактик асар сифатида талқин этувчиларга эътироз билдириб ёзади: “Навоий фақат золим вазирлар, риёкор шайхлар, қаллоб савдогарлар, безори ва ўғрилари шоҳ қилиш билан чекланмайди, у муаллимлар, санъаткорлар, хунармандлар, табиблар, мударрислар, тиланчилар, умуман, деярли барча табақалар орасида чуқур илдиэ отган турли ижтимоий, ахлоқий иллатларни, кучли танқид остига олади”. Демак, шоирнинг мақсади беистисно барча табақаларнинг номақбул ишларини танқид тиги остига олиш ҳамда шу орқали жамият ахлоқини яхшилаш, ислоҳ қилиш экан, асарни ўрта асрларда дунё адабиётида кенг тарқалган этологик жанрга мансуб дейиш тўғри бўлади ва бу ҳол олимнинг таъкидлашича, “Ренессанс адабиётига хос критицизмнинг намоён бўлиши эди”. Бошқа тарафдан,

ўрта асрлар шароитида, меъёрий поэтика ва адабий аъналар ҳукмронлиги даврида адабий муҳитнинг индикатори бўлиш жанрга (бу даврда жанрларнинг қатъий иерархияси мавжудлигини эсланг — А.Э.), адабий аъналага нисбатан танқидий ёндашиш, бу улуг шоирнинг адабиётга нисбатан, бадиий асарнинг жамиятга таъсирига нисбатан ўзига хос қарашларининг ёрқин ифодаси эди. Эслатиб ўтамиз, номи юқоридики зикр этилган ҳар икки асарда ҳам биз бундай ёндашуви кўрмаймиз.

Муаллиф бутун диққат-эътиборни матнга (кенг маънода) қаратади, муайян асарнинг ўзига хос табиатида келиб чиққан ҳолда мулоҳаза юритади ҳамда керакли натижани қўлга киритади. Таъкидлаш жоизки, “Муҳокамат ул-луғатайн” ўтган аср давомида адабиётшунослик, тилшунослик аспектида “қўб ва ҳўб” тадқиқ қилинди, бугунги кунда ҳам навоийшуносликнинг доимий тадқиқот объектидир. Олим асарнинг илмий услуби ҳақида тўхталар экан, мунозарали оҳанг етакчи эканлигини дақиқ илғайди: “Муҳокамат ул-луғатайн”да ана шундай томон — оппонент бор. Оппонентга нисбатан Навоий

“муддаий”, “хасм” сўзларини қўллайди. Бундан ташқари, Навоий форсигўй (турк бўла туриб форсигўйда ижод этувчилар — А.Э.) турк беклари ҳақида ёзади ва улар ҳам оппонентга яқин турадилар”. Шоир она тилининг лексик-семантик имкониятларини бутун бўй-баста билан кўрсатиш мақсадида уни форсий тил билан изчил чоғиштиради ва айнан шу сабабли услубда мунозаравий оҳанг устувордир. Бизнинг диққатимизни тортган нукта адибнинг, бугунги тил билан айтганда, ўз даври бошқарув элитаси бўлиш — форсий тилда шеър битувчи турк бекларига қарата айтган сўзлари ва уларни туркий тилда ёзишга ундашидир: “Форсигўй турк беклар ва мирзодалар бўҳсамоқни форсий тил билан тиласаларки, адо қилғайлар. оё, не навъ қилғайлар”. Ўйлашимизча, буюк шоирнинг сўзлари бутун ҳам ўз аҳамиятини заррача бўлса-да йўқотмаган. Таъкидлаш жоизки, улуг бобомиз йирик эпопея — “Хамса”ни яқунлаб, муайян адабий тажриба тўплаб, сунгра насрга қўл урган (фақат “Вақфия” (1482) бундан мустасно) ва ўз олдига қўйган вазифани шараф билан адо этган. Тадқиқотчи шоир прозасининг салафлари асарларидан фарқли ўринларини “ортиқча

тафсилотлардан ҳолилиги, воқеаларнинг қисқа ва лўнда баъни, услубнинг нисбатан соддалигида” кўради ва буни бир неча асарлар мисолида исботлаб беради. Шунингдек, Қ.Эргашев бадиий асарнинг композицион қурилиши, тасвир принциплари ҳақида фикр юритар экан, “Насойим ул-муҳаббат”да шоирнинг бевосита отасидан эшитган ҳикояни келтиради: “Бобо Қўҳий деган суфий ҳақидаги бир воқеани Навоийга отаси айтиб берган экан. Навоий отасидан эшитган воқеани ҳикоя қилаётганини “андоқ нақл қилурлар эрканки...” деган сўзлар орқали тасдиқлайди: “Бу фақирнинг отасининг фўқуро аҳлига иродат ва ихлоси бор эрди. Андоқ нақл қилурлар эрканки, замон подшоҳи ҳўқми билан бир иш учун Астробод вилоятига борур эрдим”. Маълум бўладики, Алишер Навоийнинг отаси ҳўқмдор топшириғи (бирок қайси теуурий ҳўқмдор эканлиги ҳозирча номаълум — А.Э.) билан Астробод вилоятига юборилган. Агар биз Ёиёсиддин кичкина ҳақидаги маълумотларни тарихий манбаларда ёҳуд шоирнинг ўз асарларида ҳам нихоят даражада озлигини ҳисобга олсак, бу фактни шоир таржаман ҳолига оид янги чизгилар сифатида баҳолаш мумкин. Китобда бу каби қизиқарли тафсилотлар талайгина.

Биз бу аjoyиб китобнинг айрим ўринларига имконият доирасида бироз тўхталдик, холос. Шу аснода баъзи бир фикр, мулоҳазалар ҳам пайдо бўлди. Ўйлашимизча, монографияга фойдаланган адабиётлар рўйхатининг илова қилиниши унинг илмий қимматини яна бир қарра оширган бўлур эди. Яна бир нукта: тадқиқотчи “Махбуб ул-қулуб”нинг жанрий мансубияти юзасидан бир қанча назарий қарашларни баён эта туриб, уни Фарб Ўйғониш даврининг атоқли вакили Эразм Роттердамскийнинг (1469 — 1536) “Аҳмоқлик мактови” асари билан муштарак ўринлари бўйича фикрлар билдирган. Бизнингча, ҳар икки асарни кенгрок қўламда чоғиштириш ўзаро типологик ҳамда хос жиҳатларни аниқлаш имконини беради ва ўзбек адабиётида содир бўлган ёҳуд бўлаётган жараёнлар умумжаҳон адабиётида кечаётган ҳодисалар билан боғлиқлигини, алоқадорлигини ойдинлаштиради. Бирок бу фикрлар бажарилган ишининг умумий савиясига соя солотмайди. Монография юксак даражада — илмий академик услубда ёзилган.

Қисқаси, биз Навоий ижоди муҳаббларини янги китоб билан қўтлаб қоламиз.

Абдурасул ШОНҲОБОЕВ,
Алишер Навоий номидаги
давлат адабиёт музейи илмий
ҳодими

— Сўзингиз аввалида алломанинг ҳаёти, ижодига оид манбалар жуда камлигини айтдингиз. Асар сюжети аниқ фактлар асосига қурилганими?

— Роман тарихий бўлиши билан бирга, у ўз ўрнида бадиий асар ҳамдир. Ўрганиш мобайнида аниқ фактлар кам бўлишига қарамадсан, манбаларга таянган ҳолда ундаги ҳар бир қаҳрамон тақдирини тўлиқ очиб беришга ва воқеаларни бадиийлаштиришга алоҳида эътибор қаратдим.

— Тўқима образлардан ҳам фойдаланингизми?

— Ҳар қайси бадиий асарда тўқима образлар бўлиши мумкин. Асар қаҳрамонлари, унинг сюжети тўқима образлар ёрдамида бойитилади. Бирок, шундай бир тўқима образдан фойдаланиш керакки, у китобхона малол келмаслиги, ғашига тегмаслиги, асарнинг савиясига салбий таъсир қилмаслиги муҳимдир.

Тўқима образ шундай бўлиши керакки, у ҳар бир персонаж тақдирига сингиб, воқеалар билан уйғунашиб кетиши лозим. Ўқувчи уни тўқима деб эмас, балки ҳаётий образ деб ишониши, қабул қилиши жоиз. Бу эса ёзувчининг тажрибасига, маҳоратига боғлиқдир. Албатта, романда тўқима образлар ва воқеалар мавжуд. Лекин асар моҳиятида тарихий воқеалардан, ўша давр қаҳрамонларининг асл хусусиятларидан чиқиб кетмаслиққа ҳаракат қилдим. “Имом Мотуридий” романига киритилган тўқима образлар фақатгина бош қаҳрамон ҳаётини, унинг ички дунёсини бойитишга, воқеаларни ривожлантиришга хизмат қилган, холос.

— Романнинг бугунги кундаги аҳамияти нимада деб ўйлайсиз?

— Имом Мотуридий романини ёзишдан мақсад, энг аввало, Президентимизнинг маънавият соҳасида олиб бораётган сиёсатларига камарбаста бўлишдир. Ижодкорнинг ижтимоий ҳаётдан узилиб қолиши сув ва ҳаводан айрилгандай гап. Шу жамиятда яшар эканмиз, албатта, шу юртга фидокорона, сидқидилдан хизмат қилишимиз лозим. Ўз навбатида биз ижодкорлар ҳам маънавиятга, маърифатга етакловчи ғояларимиз, асарлигимиз билан адабиётимизни янада ривожлантиришга ҳисса қўшмоғимиз даркор. Ушбу асар орқали ёшлар маданиятини оширишга, маърифатга қақиршга, китобхоналарни буюк аллома билан таништиришга имкон қадар ҳаракат қилдим. Албатта, роман қай даражада ёзилганига ўқувчилар баҳо беради.

Зулайхо АҲМАДЖОНОВА сўхбатлашди.

БИР ҒАЗАЛ ТАРИХИ

Ўзбек мумтоз адабиётининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, шоирлар қайси даврда яшаганларидан қатъий назар, ё сарой муҳитида, ёки шеърят шайдоларидан иборат даврада ижод қилиб, бадиий дурдоналари билан ўзбек шеърятини хазинасига ҳисса қўшиб келишган. Бу фақат ўзбек адабиётига эмас, балки бошқа Шарқ адабиётларига ҳам хос хусусият. Шундай ижодий муҳитда яшаган шоирларнинг баъзан бир-бирларининг шеърларидан илҳомланиб, вазни ҳам, радифу қофиялари ҳам айнан сақланган шеърлар ёзгани сир эмас. Ушбу ҳол, орадан анча йиллар ва даврлар ўтгач, адабиёт муҳлисларида турли-туман баҳслар ёки “миш-миш”ларнинг тўғилишига сабаб бўлиб келади.

Бундан бир қанча йиллар аввал Машрабнинг бир ғазали муносабати билан шундай баҳс бўлиб ўтган эди. Яқинда атоқли шоиримиз Эркин Воҳидов таваллудининг 85 йиллиги муносабати билан “Инсон ўзинг. Мақолалар. Хотиралар. Изҳорлар” тўплами нашр этилди. Катта меҳр билан тайёрланган, Навоий ва Бобур асарларининг муҳташам нашрлари билан бемалол рақобатлаша оладиган китоб дунёга келди. Шу китобдан ўрин олган мақолалардан бирида муаллиф Э.Воҳидов ҳақидаги дил сўзларини изҳор қилгач, ўзини безовта қилиб келатган бошқа бир масалани ҳам айтишни жоиз, деб билган.

“Машхур ғазалнавис шоир Тавалло, — деб ёзган муаллиф, — катта бобомиз бўладилар. Онамиз Дилбархон унга набири, онамизнинг оналарининг исми Раҳбарой бўлган. Раҳбарой бувимиз онамиз Дилбархонни бир кун қайсидир иши учун уришиб берадилар. Катта бобомиз эса: “Қизим, Дилбарни уришверма, болалиқда ҳамма болалар шўҳ ва уйинқароқ бўлади. Кел, яхшиси, мен сенга Дилбарга ўхшаган шўҳ-шаддод қизларга бағишланган ғазалимни ўқиб берай”, деб билган.

Бу ғазал Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров томонидан қуйланиб, машхур қўшиққа айланган ва санъатимизнинг олтин фондидан мустаҳкам жой олган. Мана, ўша ғазалнинг илк мисралари:

Ўйласам, шу дилбарим
маккорга ўхшайди-ку,
Раҳми йўқ, бир бевафо
дилдорга ўхшайди-ку...

Мақола муаллифи “ўхшайди-ку” радифи ғазалнинг тўла матнини келтиргач, давом этиб, ёзган: “Афсуски, катта бобомиз Тавалло 1938 йилда қатагон қилинганидан кейин ушбу ғазалнинг остига “Нихон” тахаллуси қўйилган. “Нихон” Ҳамза Ҳакимзода Нийёзийнинг тахаллуси бўлган...”

Маълумки, Ҳамза ҳалок бўлган 1929 йилдан кейин, орадан ўн йил ўтгач, 1939 йилда маданиятимиз тарихида биринчи марта шоир таваллудининг 40 йиллиги нишонланган. Шундан кейин унинг турли жойларда сочилиб ётган асарларини тўплаш ва ўрганиш ишлари жаддалашган. Дастлабки ҳамзашунослар олиб борган изланишлар натижасида шоир адабий меросининг катта ва асосий қисми топилган ва улар ҳозир ЎзФА Шарқшунослик институтини, Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи ҳамда Қўқон адабиёт музейи фондларида сақланиб, қўлаб илмий тадқиқотлар ва нашрларнинг майдонга келишида мўътабар манба сифатида хизмат қилиб келади.

Ҳамза ҳақидаги тадқиқотларда шоир ўз ижодини XX асрнинг ўзинчи йилларида лирик шеърлар — ғазаллар, мухаммаслар, маснавийлар, мураббаълар, мухаммаслар ёзиш билан бошлаган, деб келинган. 1948 йилда Ғафур Ғулом томонидан “Девон” қўлёзмасининг топиллиши шу фикрнинг тўғрилигини тўла тасдиқлади. Маълум бўлишича, Ҳамза 1905-1914 йилларда ёзган лирик шеърларини “Нихоний” тахаллуси билан изолаган ва уларни “девон” ҳолига келтирган. Ҳамза “Девон”идаги шеърлар орасида эротик мазмундагилари ҳам бўлгани учун ундан ўрин олган шеърлар 1960 йилдан кейингина шоирнинг бир ва икки жилдлик “Танланган асарлар”ида эълон қилина бошлаган. Аммо бу асарлар ўз вақтида тўплам сифатида нашр этилмагани ва улар орасида китобхоналарга тақдим қилиш шарт бўлмаган ғазаллар ҳам бўлгани учун ҳамзашунослар уларни ўтган асрнинг олтиншинчи йилларигача тўла ҳолда нашр этмай келишган. Девондан ўрин олган айрим шеърлар эса Ҳамзанинг 1960, 1963 ва 1979 йилларда нашр этилган “Танланган асарлар”ининг 1-жилдида эълон қилинган. Нихоят, Ҳамза таваллудининг 100 йиллиги (1989) муносабати билан “Девони Нихоний” ёки “Девон” деб юритилиб келинган лирик шеърлар мажмуаси

шоир “Мукаммал асарлар тўплами”нинг 1-жилдида киритилиб, китобхоналар эътиборига ҳавола қилинган. Ҳамзанинг “Ўйласам ул дилбарим маккорга ўхшайди-ку...” сатри билан бошланган ғазали ҳам шу жилддан ўрин олган. 1979 йилда “Девон”нинг яна бир нусхаси топилиши Ҳамзанинг илк ижоди ҳақидаги таъсаввурларимизни янада бойитди.

Сўнгги йилларда Таваллонинг “Миллато жонлар фидо” ва “Миллат садоси” тўпламлари нашр этилди. Биринчи тўпلامни нашрга тайёрлаган тарих фанлари доктори Икромиддин Остонақулов, иккинчи тўпلامни нашрга тайёрлаган тадқиқотчи Дилдора Раҳмонова ўз нашрларида Таваллонинг ЎзФА Шарқшунослик институтини фондида сақланётган барча асарларини жамлашга интилишган. Филология фанлари докторлари Нурбой Жабборов билан Улугбек Долимов эса Таваллонинг вақтли матбуот саҳифаларида чоп этилган, аммо унутилган асарларини топиб, эълон қилишди. Афсуски, бу асарлар орасида “Тавалло” тахаллуси билан ёзилган “Ўхшайди-ку” радифи ғазал мутлақо учрамади.

Таниқли олим, нозиктаъб ва камтарин инсон Абдужаббор Абдувоҳитов машхур ўзбек шоири Таваллонинг невараси бўлади. Унинг хотирлашича, Раҳбарой буви Дилбархон яқини уришганларида, Тавалло: “Қизим, Дилбарни уришверма, болалиқда ҳамма болалар шўҳ ва уйинқароқ бўлади. Кел, яхшиси, мен сенга Дилбарга ўхшаган шўҳ-шаддод қизларга бағишланган ғазалимни ўқиб берай”, деган ва қуйидаги шеърни ўқиб берган:

Ўйласам, шу дилбарим
маккорга ўхшайди-ку,
Раҳми йўқ, бир бевафо
дилдорга ўхшайди-ку.

Ул куни кўнгул ниқобин
очибон мен хастани,
Ишқидин бўйини солган
дорга ўхшайди-ку...

Наҳотки, Таваллодек оҳунолар ва жоҳиллар устидан гомерона кулиб, оташин ҳажвий шеърлар ёзган шоир қизига шундай эротик мазмундаги ғазални ўқиб берган бўлса? Наҳотки, ўша вақтда фалон ёшда бўлган аёл — Дилбархон ая Тавалло ўқиган олти байтлик шеърни ўша заҳоти ёдлаб олган бўлса?! Дарвоқе, иккинчи байтдаги “кўнгул ниқоби” Ҳамза вариантида “гулгун ниқоб” деб тўғри ёзилган.

Гапни сақичдек чўзмай, муддаога ўтайлик. “Ўхшайди-ку” радифи ғазалнинг Ҳамзага мансублиги масаласи каминада заррача шўбха уйғотмайди. Бундай дейиш учун уч асосим бор. Биринчи асос — Таваккал Қодиров ижро этган қўшиқ матнининг Таваллонинг бирор баёзи ва китобларида йўқлиги ва, аксинча, Ҳамзанинг “Девони Нихоний” тўпламида (1914) тўла келтирилганидир. Иккинчи асос — Тавалло ўзбек шеърятини тарихига ҳажвнавис шоир сифатида кирган; унинг ишқий мавзуда бирорта ғазал ёзгани маълум эмас. Учинчи асос — одатда ғазалнинг сўнгги байтида шоир ўзига-ўзи мурожаат этади ёки ғазални ким ёзганлигини билдириш учун байтни ўз тахаллуси билан муҳрлайди. Мана, ўша “Нихон” (Ҳамза) тахаллуси билан муҳрланган байт:

Эй Нихон, қилдинг тавалло,
неча йиллар келмади,
Сен каби бечорадин
безорга ўхшайди-ку.

Бу байтдаги “тавалло” сўзи Таваллонинг эмас, балки Нихон(Нихоний, Ҳамза)нинг руҳий оламини очишга қаратилган. Ушбу изоҳ-мақолани ёзишдан мақсад адабиётимиз дурдоналарига янги нукта назардан назар ташлашдан аввал ўзимиз, фикримиз ва баҳсимизга нисбатан танқидий қарашга ўрганишни тақлиф этишдир.

Наим КАРИМОВ,
академик



“Жазирамадаги одамлар”, “Сирли муаллим”, “Хизр кўрган йигит”, “Темирйўл”, “Тун қаёридаги шўъла”, “Буюк ўзбек йўли”, “Титраётган тоғ”, “Олов тутган одам”, “Бегоналар юрмас бу ерда” каби қатор романлар, қисса ва ҳикоялар муаллифи. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, ёзувчи Лўқмон Бўрихон яқинда ўз муҳлисларига янги “Имом Мотуридий” романини тақдим этди. Шу муносабат билан адибга қатор саволлар билан мурожаат қилдик.

АЛЛОМА СИЙРАТИ АКС ЭТГАН АСАР

— Аввало, “Имом Мотуридий” романининг яратилишига туртки бўлган омиллар ҳақида гаплашсак.

— Ҳар қандай ижодкорда тарихий образларни саҳнада гавдалантириш ёки улар ҳақида ёзиш орзуси бўлади. Шу нуктаи назардан қараганда, менда ҳам улуг алломаларимизга бағишланган асар ёзиш истаги азалдан бор эди. Биламизки, тарихий асар фақатгина тарихий бўлиб қолмайди. Мазкур жанрда ёзилган ижодий ишда тарих билан бирга, бугунги кун мавзуси уйғунашган ҳолда акс этиши лозим. Яъни тарих тили билан бугунги даврнинг ҳал қилиниши керак бўлган муаммоларини, сўзини айтиш мумкин. Менда ҳам қўлаб буюк аждодларимиз, саркардалар ҳақида асар ёзиш борасида ғоялар, режалар бўлган. Албатта, бу орзумини бобокалонимиз, ақида, калом илмларининг султони ҳазрат Абу Мансур Мотуридий ҳаётини қозғога тўкишдан бошладим. Бунга туртки бўлган сабаблар жуда кўп. Эсласангиз керак, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот марказининг очилишида Президентимиз айнан мана шундай буюк шахслар, дунёга машҳур алломалар ҳақида бадиий асарлар, кинофильмлар яратиш лозимлигини таъкидлаган эди. Бу нима учун керак? Бойси, биз аждодларимиз билан ижодини ҳаётга тадбиқ этишимиз жоиз. Миллатимизни, айниқса, ёшларимизни улуғларимизнинг ўлмас ибрати билан тарбиялашимиз керак. Бу эса бадиий сўз орқали амалга оширилса мақсадга мувофиқдир. Сўздек инсонга кучли таъсир қиладиган, тафаккурни юксалтирадиган, дунёқарашни, тасаввурни кенгайтирадиган воқеа йўқ.

Имом Мотуридий ҳақида ёзишга киришганимда, ростки, бироз чўчидим. Чунки бу инсоннинг ҳаёти, ижодига оид манбалар жуда кам. Балки у пайтларда фозиҳинсонлар ҳақида


китоб ёзиш урф бўлмаганими, деб ўйлаб қолдим. Аллома Х асрда яшаб, ижод этган. Ислоом динининг софлигида, ақидамизнинг мустаҳкамлигида, динимизни ёт тушулча ва ғоялардан доим ҳимоя қилиб келган алломанинг хизматлари беқиёс. Ўша даврдаги воқеаларни, Имом Мотуридий аслиятда қандай шахс эканлигини асар орқали кўрсатиб беришга ҳаракат қилдим.

— Ушбу романининг бошқа асарларингиздан фарқи нимада?

— Фарқи унинг тарихийлигида, лекин моҳиятан қаралганда, бу романда ҳам инсонийлик жиҳатларида алоҳида уру берилган. Хусусан, Мотуридий образини яратишда у кишини баландпарвоз мадҳлар услубида тасвирлашдан қочдим. Аввало, инсон сифатида кашф қилишга, ички кечинмаларини очиб беришга ҳаракат қилдим. Манбаларни ўрганиш чоғида қаҳрамоним шу қадар улуг аллома бўлишига қарамадсан, ўта соддалигини, камтаринлигини сақлаб қолганлигига ғувоҳ бўлдим. Ва асарда унинг шахс сифатидаги ана шу жиҳатларини акс эттирдим. Буюк қалбли инсонни тасвирлашга интилдим.

— Ижодий жараёнда қандай манбаларга мурожаат қилдингиз?

— Мотуридий таълимоти ўрганиш учун бир қатор исломий илмлардан хабардор бўлиш лозим. Изланишларим давомида асосан Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази билан ҳамкорлик қилдим. Домла Даврон Махсудов қўлаб адабиётлар, монографиялар, маълумотлар билан таъминладилар. Жумладан, Абу Тоҳирхожа Самарқандийнинг “Самария”, Абу Бакр Муҳаммад Наршахийнинг “Бухоро тарихи” каби қатор тарихий асарларни ўқидим. Бунинг учун ташкилот мутасаддиларига раҳмат, дейман.



Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон санъат арбоби, Қорақалпоғистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси Нажимаддин Мухаммеддинов эл-юрт ҳурмати қозонган санъаткордир. Қорақалпоғистон Республикаси мадҳиясининг мусиқа муаллифи Н.Мухаммеддинов айна чоғда композиторлик соҳасининг қарийб барча жанрларида баракали ва самарали ижод қилиб келмоқда. Унинг беш юздан зиёд асари орасида қўшиқ намуналаридан тортиб, кантата, симфония, мусиқали драма, опера каби жанрларга мансуб маҳобатли асарлар борлиги таҳсинга сазовор. Асарларининг мавзу доираси муҳим ижтимоий аҳамияти билан ажралиб туради. Жумладан, тингловчилар қалбидан мустаҳкам ўрин олган “Кўнгил кўнгилдан сув ичар”, “Туғилган эл”, “Ёр-ёр айтайин”, “Кенг дала”, “Ёрим бор”, “Ватан”, “Ўзбекистоним”, “Қадрдоним”, “Мустақиллик гуллари” каби қўшиқларида миллий қадриятлар эъзози, чин инсонийлик, қорақалпоқ ва Ўзбек халқларининг азалий дўстлиги, ватанпарварлик мавзулари тараннум этилади.

Юртбошимизнинг Оролбўйи халқларининг яшаш шароити ва атроф-муҳитни яхшилаш борасидаги амалий саъй-ҳаракатларидан илҳомланиб яратган “Келинг, дўстлар, Мўйноқ томонга” (Г.Матқубова шеъри), «Яшайвер Оролим, Мўйноғим, Мўйноқ!» (А.Утениязова шеъри) асарларида меҳнатсевар аҳолининг ўз овулини гуллатишга иштиёқи ҳамда Мўйноқда юзага келган ижобий ўзгаришлар куйланади. Давр талабига ҳозиржавоб санъаткор ижод этган бадий баркамол асарлардан бири — “Келинг дўстлар, Мўйноқ томонга” 2017 йили Мўйноқ туманида ўтказилган Халқаро экофестиваль доирасидаги мусиқий танловда совринли 1-ўринга муносиб топилган эди.

Айтиш жоизки, Нажимаддин Мухаммеддиновнинг турли мавзуларда битилган ҳамда таниқли хонандлар томонидан севиб ижро этилиб келинаётган сермазмун қўшиқлари мухлислар олқишига сазовор бўлмоқда. Айни пайтда ақсарият қўшиқлари турли миксдаги фестивалларда, жумладан, Англияда ўтказилган халқаро мусиқа фестивалида муваффақиятли ижро этилган бўлса, Тошкентда ўтказилган “Ягонасан, муқаддас Ватан” кўрик-танловидида совринли ўринларга му-

носиб кўрилган. Композитор қўшиқ ва опера арияларининг ижрочилари сафиди Б.Матчонов, Т.Дошумова, Г.Сиримбетова, Г.Айимбетова, Ж.Пиязов, Э.Айтаниязова, Р.Қутекеева, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артистлар С.Сапаев, Д.Хожамбергенов, А.Тажиаев каби таниқли санъаткорлар бор.

Н.Мухаммеддинов қорақалпоқ миллий симфонияси, балети ва операларини яратиш борасида анча йиллардан буюн изчил фаолият юритиб келаётир. Ушбу мураккаб ва йирик жанрларда муваффақиятли ижод қилишида композиторнинг миллий руҳ ила уйғунлашган симфоник тафаккури жуда катта аҳамият касб этаётир. Унинг “Биринчи қорақалпоқча симфония”, “Иккинчи симфония”, “Рақс” сюитаси, солист, хор ва симфоник оркестр учун “Гул-яшна, Ўзбекистоним!” номли симфоник поэмалари фикримизнинг ёрқин далилидир. Бу жабада эришилган натижалар эса нафақат республикада, балки кенг миқёсда ҳам эътироф этилаётгани кувонарли ҳол, албатта. Жумладан, 2018 йил 6-10 ноябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилган Халқаро симфоник мусиқа фестивалида композиторнинг “Норасида ҳақида баллада” ҳамда “Рақс қўшиғи” асарлари тақдирланди. Ижодкорнинг ўзига хос миллий симфоник

ЭЛ АРДОҒИДАГИ САНЪАТКОР

тафаккури мусиқали саҳна асарларини ижод этишда ҳам асқотаётир. Мазкур омил боис «Бахтли бўлинг, болалар» мусиқали драмаси, “Ойжамол” балети ҳамда “Ажинияз” ва “Гулолим” опералари Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали театрида доимий ижро этиладиган асарлар қаторидан ўрин олган.

Шу ўринда “Ойжамол” (хореограф Турдубой Хўжасов) балети-га тўхталсак. Севи мавзуси юқори пардаларда тараннум этилган мазкур балет мазмунида икки ёш қалбнинг турли синовлар узра янада юксалган ўзаро меҳру муҳаббати васф қилинади. Бу жараёнларни бадий жиҳатдан ишончли ифодалашда композиторнинг беназир истеъдоди баробарида драматургия борасида орттирган тажрибаси ҳам кўл келган. Инчунин, балет партитурасида устувор аҳамиятга эга лирик йўналиш саҳнада кечаётган воқеаларга мувофиқ гоҳ оммавий тусдаги шўх рақслар, гоҳо йилит ва қизларнинг турли мазмундаги алоҳида гуруҳли ҳамда яккахон рақсларига қиёсан ривожланиб боради. Лекин бу саҳналарнинг барчасида (персонажларнинг либоси, хатти-ҳаракатлари, декорация ва бошқа) миллийлик уфуриб туради. Бу ҳол, аввало, қорақалпоқ миллий рақс куйларининг композитор салоҳияти ила симфонизм хусусиятларига унумли пайваста этилганида яққол кўзга ташланади. Н.Мухаммеддинов бу саҳна асарида балет жанрига хос хореографик ҳаракатлар “тили”ни халқ анъаналарига узвий боғлаган ҳолда бойитгани шубҳасиз. 1997 йили Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусиқали

театрида илк саҳна юзини кўрган “Ойжамол” балети мутахассислар томонидан қорақалпоқ миллий балети сифатида эътироф этилгани бежиз эмас.

Композиторнинг опералари ҳам тингловчилар орасида қизиқиш уйғотиб келади. Бунга 1987 йили ижод этилган «Ажинияз» операсини (шоир ва драматург И.Юсупов либреттоси) мисол келтириш мумкин. Опера мазмунига XIX аср-



да яшаб ижод этган қорақалпоқ мумтоз шоири Ажиниязнинг ҳаёти ва ижод йўли билан боғлиқ тарихий лавҳалар, халқнинг уша даврдаги мураккаб турмуш шароити сингдирилган. Қорақалпоқ мусиқа маданиятида биринчи ҳисобланган бу миллий опера шу кунгача қиммати баланд саҳна асари ўлароқ намоёиш этиб келинмоқда. Шу каби композиторнинг юксак бадий асарлари қаторида мустақиллик даврида ижод этган “Гулолим” операсини ҳам қайд этиш жоиз. Бунда опера ва дoston жанрларининг композитор салоҳияти ила табиий уйғунлашувини кўраимизки, бу ҳол опера жанрига миллий мусиқий қадриятлар кесимида ижодий ёндашув ўлароқ юзага келганини кўрсатади. Зеро, “Қирқиз” дос-

тони асосида яратилган ушбу асар (либретто муаллифи Қорақалпоғистон халқ шоири Гулистон Матқубова) мазмунида жасоратли қизларнинг ватан ҳимоysi йўлидаги қаҳрамонликлари мадҳ этилади. Уч парда (акт), 11 кўринишдан иборат опера шиддатли воқеалар ифодаси билан йўғрилган оркестрнинг чолғу муқаддимаси билан бошланади. Парда очилгач, саҳнада анъанавий кўринишдаги жиrow образи қўбиз ва оркестр жўрнавoзлигида

“Қирқиз” достонини баён эта бошлайди. Шу аснода саҳнага бирин-кетин “сизиб” чиққан қирқ қиз, уларнинг йўлбошчиси Сарвиноз ва мард қиз Гулолим образлари орқали дoston воқеалари ҳаракатга кела бошлайди. Уларнинг қорақалпоқ миллий оҳанглари билан тўйинган вокал партиялари оркестр томонидан моҳирона кўллаб-қувватланиб турилади. Қолаверса, жиrow ва бахши санъатларига хос хусусиятлар, унумли кўлланган бу ижобий персонажлар тавсифида ватанпарварлик ва мардонаворлик тўйғулари устувордир.

Опера драматургиясини юзага келтиришда қарама-қарши кучларнинг ўзаро фарқли мусиқий асослари, лейтоҳангллар тизимининг оркестр ижросидаги изчил симфоник ривож ила шуларга мувофиқ ҳолда кўлланган қаҳрамонларнинг яккахон (ария) чиқишлари, шунингдек, дуэт, хор ва хореографик саҳналар ҳам муҳим аҳамият касб этади. Табиийки, воқеа жараёнларининг барчасини саҳна шароитида кўрсатишнинг имкони йўқ. Шу боис баъзи воқеалар тафсилоти жиrow баёни орқали ифодаланади. Қолаверса, шу аснода дostonчилик анъаналарининг янги, ўзига хос саҳнавий талқини ҳам юзага келади.

Яқиний саҳна аввалида эса яқин ғалаба нашидасини ўз санъати билан бошлаб берган жиrow ижрочилиги Гулолим ва қирққиз (хор) томонидан тантанали давом эттириладики, пировардида, дostonнавислик хусусиятлари ижодий сингдирилган мазкур опера тархи ҳар жиҳатдан ўзаро бир бутунлик касб этади.

Серкирра ижодкор, жамоат арбоби, устоз ва мураббий Н.Мухаммеддинов меҳнат фаолияти давомида кўллаб истеъдодли шоғирдларни камолотга етказди. Улар орасида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артистлари Б.Матчанов, Т.Дошумова, Г.Сиримбетова, Г.Айимбетова, М.Сапаева, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган артистлар Э.Айтаниязова, Р.Қутекеева, Д.Мамбетмуратов, А.Усенова, М.Отемуратов, С.Қаллибеков, Қорақалпоғистон халқ артистлари О.Темирханов, Б.Отебергенов сингари эл севган санъаткорлар номини кўраимиз. Атоқли санъаткорнинг мусиқа санъатидаги бекиёс хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланиб келмоқда. Устоз “Меҳнат шўхрати”, “Эл-юрт ҳурмати” орденлари билан мукофотланган. 2013 йили Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлиги ташкил этган танловда “Йилнинг энг яхши бастакори” номинацияси қолиби, 2015 йили эса Қорақалпоғистон Республикасида санъат, маданият ва маънавиятни ривожлантиришдаги хизматлари учун “Ардақлау-2015” мукофоти совриндори бўлган. Бу йил таваллудининг кўтулғу 85 йиллигини қаршилаётган Нажимаддин Мухаммеддиновга ижодий зафарлар тилаб қоламиз.

Оқилхон ИБРОҲИМОВ,
санъатшунослик фанлари
доктори

«АДОЛАТ ФАСЛИ» САҲНАДА

Давоми, бошланиши, 1-саҳифада

Қаҳри қаттиқ, лекин адолатпарвар Амир Темур ҳақиқат йўлида ўз фарзандини ҳам аямай ўлим жазосига ҳукм этади. Сарой аъёнлари саросимага тушади. Наҳотки, Амир Темур салтанат учун, қолаверса, адолат урнатиш учун ўз ўглини ҳам аямаса? Амир Темурнинг (Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиев) ўткир драматик ҳолатда, ва-жоҳат билан ўглини ўлимга буюриши томошабин қалбини ларзага солади. Зотан, театр санъатининг олий мақсади ҳам шу. Актёр ишонтириш санъатининг барча сир асрорларини ўзлаштириб, маҳорат чўққисига чиққани учун ҳам томошабин саҳнада ижро этилаётган воқеага ишонади.

Зеро, Амир Темур мамлакатни кенгашиб бошқарган. Ҳамманинг фикр-мулоҳазасини эшитиб, кейин ҳукм чиқарган. Бу гап ҳам шундай бўлади. Бироқ вазиятдан лол қолган аъёнлар дастлаб ғалати ҳолатга тушади. Кейин биринчи бўлиб Ўзбекистон халқ артисти Саидкомил Умаров ижросидаги вазир — Маҳмуд Шаҳоб Хуросоний тиз чўкиб, ҳукми бекор қилишни ўтнинг суради. Унга Ўзбекистон халқ артисти Ҳожиакбар Комилов ижросидаги вазир — Насриддин Маҳмуд қўйилади. Ана шу саҳна, аъёнларнинг Амрига қилган илтижолари ҳар қандай тош юракни эритиши тайин. Актёрлар ўз ролларини маҳорат билан ижро этишган. Уларнинг илтижоларини эшитгач, Амир Темур шаштидан қайтса керак, деб ўйлайди киши. Аммо... Аммо Соҳибқирон ҳеч қачон сабабсиз ўз ҳукмини бекор қилмаган. Қилмайди ҳам...

Айни пайтда ҳукмдорнинг ўзи изтиробда. Актёр ўз қаҳрамони ҳолатини меъёрида, ошириб-тоширмасдан, табиий тарзда кўрсатиб беради. Ўз ҳукмидан ўзи даҳшатга тушган ҳолатини, томоғига келган ҳайқирик ва кўз ёшларини ичига ютиб, фақат “болам...” дея олганини кўрган зал қалқиб тушади. Мироншоҳ (актёр Даврон Каримов) илтижо қилиб “Ота?” деганида “Худодан сўра! Худо сенга ёрдам берсин”, деб ичкарига кириб кетади. Ана шу кўриниш режиссёр томонидан ниҳоятда ишонарли ва ҳаётий саҳналаштирилган. Эркатоий ўғил сўнгги дақиқагача отага умид билан боқади. Лекин ўғил отаси кўрган адолат салтанатига раҳна солгани учун ота уни кечиролмайди. Ҳаммасини Оллоҳнинг ҳукмига ҳавола этади.

Спектаклда яна бир нурли характер борки, уни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Қаҳрамон Абдурахимов маҳорат билан ижро этган. Сайид Барака — Қ.Абдурахимовнинг саъй-ҳаракати боис Соҳибқирон фарзандкушлик таъки ланъатидан қўтилиб қолса-да, эътиқоди ва мақсадига хиёнат қилмайди. Актёр ўз ролини шундай ишончли ва ҳаётий талқин этадики, Амир Темур — Ё.Саъдиев унинг измидан чиқмасдан, мамлакатни бошқаришда шариятдан бир баҳа ҳам чекинмасликка ҳаракат қилади. Сайид Барака келтирган шаръий мантиқ ҳар қандай ҳукми бекор қилишга қодир эди. Икки ўт орасида турган Соҳибқиронни бу шаръий қонун орта чекинишга мажбур қилади. Ўз ўглининг қотилига айланишни бўйнига олган Амирнинг, бу гуноҳдан қўтилиш чораси топилгач, фавқулодда устидан тоғ қўлаб тушгандек бўлади. Актёр вазиятнинг ўзгариш ҳолатларида қаҳрамони қалбидан кечаётган ҳам шохлиқ, ҳам оталиқ ҳис-ҳаяжонларини томошабинга маҳорат билан етказиб берадики, бевосита залда қарсақлар анграйди. Ана шу дақиқаларда саҳналаштирувчи режиссёр ва расом Бахтиёр Тўраев спектаклнинг саҳнавий ечимини ҳал қилиш учун саҳнада адолат қиличи ва тарозусининг рамзини ифода этгани ниҳоятда қўл келганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки Соҳибқирон ўғли Мироншоҳни дорға осишга ҳукм қилганида, адолат қиличи ва тарозуси эғилиб қолади. Ҳукм бекор қилгангач эса, адолат қиличи ва тарозу яна тикланади. Спектаклнинг гоёвий ечим қиличи ва тарозунинг ҳаракати орқали кўрсатилгани асарнинг бадий қимматини оширган.

Спектаклни саҳналаштиришда бутун жамоа ҳамкорлик қилгани сезилиб туради. Режиссёр Асқар Холмуиновнинг актёрларга берган мантиқли кўрсатмалари ўз самарасини берган. Яъни ҳар бир актёр саҳнада аниқ мақсад билан ҳолатни тўла ифодалаган. Саҳнада ҳар бир детал, ҳар бир эпизод, ҳар бир персонаж мукамаллик касб этгани учун ҳам томошабин спектаклни диққат билан кузатади. Айниқса, вазир Маҳмуд Шаҳоб Хуросоний — Саидкомил Умаровнинг нур таралиб турган юзидаги гримдан тортиб либосига, Мироншоҳ ўлимига қарши бош кўтарилишгача томошабиннинг синчков назаридан четда қолмайди. Вазир Насриддин Маҳмуд

— Ҳожиакбар Комиловнинг ноласи киши қалбини ларзага келтиради. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Шодия Абдуқодиrowа ижросидаги Малика образи ҳам томошабинни лоқайд қолдирмайди. Унинг дадиллигини ёш аёллар улуи ҳар томонлама иборат, деб баҳолаш мумкин. Актриса ўз қаҳрамони тимсолида ёрига садоқатини тўла намоён этолган. Қаҳрамон Абдурахимов (Сайид Барака) қаҳрамонининг фақат шарият пешвоси эмас, балки адолат пешвоси эканини ишонарли ҳолатларда кўрсата олган. Унинг ҳар бир сўзи отилган ўқдек, фалсафий мушоҳадаларга бой, барча амал қилиши лозим бўлган қонун эканини актёр алоҳида уқтира олган.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Беҳзод Мухаммадкаримов ижросидаги Ҳаким Сулдуз — эшик оғасини ватан учун ҳалол хизмат қиладиган садоқатли кишилар тимсоли, деб баҳолаш мумкин. У саҳнада қўл гапирмайди. Фақат “Ҳўп бўлади, Олампадох”, деб буйруқни бажаради. Ҳеч кимга юрагини очиб сўзламайди, дардлашмайди. Гарчи учта фарзандини тупроққа қўйган бўлса-да, садоқат ва сабр билан ўз хизмати-ни бажаради. Актёр қаҳрамонининг унсиз йиғисини ташқарига чиқармайдиган, иродали инсон эканини ишонарли талқин этган. Шу ўринда Мироншоҳнинг аъёнлари образларини актёрлар ишонарли ва маҳоратли талқин этганларини ҳам таъкидлаш жоиз. Вазири Ҳўжа Макорим Юсуф (Шарофиддин Музропов), Амир Кабир Хисрав (Рихсатилла Абдуллаев), Қилич Ахтари (Аваз Қодиров), Малик Қорача (Ғайрат Боймирзаев) каби образлар кичик эпизод бўлса-да, найрангбоз, машаххатпараст сарой аъёнларининг қиёфалари ишонарли талқин этилган. Уларнинг ўлим ҳукмини эшитгандан кейинги турланишлари томошабинда раҳм эмас, қаҳр ҳиссини уйғотади. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Толибжон Мўминов ижросидаги Абдуқодир найччи созандаю ижодкорларнинг рамзий образи, деб баҳолаш мумкин. Табиатан ўта ҳалол ва ўз касбини севувчи найчи айбсиз ибодат сифатида жиноятчилар тўдасига тушиб қолганидан афсусда. Соҳибқирон Абдуқодир найчининг самимиюлиғига ишониб, озод этганида томошабинларнинг олқиши янграйди.

Шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Меҳриддин Раҳматов ижро этган саркарда Амир Шоҳмалик, Собир Отажонов ижросидаги Абу Язид Хабарчи образлари ҳам томошабинни бефарқ қолдирмайди. Бу образлар ўз характери ва ижро мантиги, актёрларнинг юксак ижро маҳорати туфайли спектаклнинг бадий тўқимасига сингити кетган.

Айни кунларда Ўзбек миллий академик драма театри саҳнасида “Адолат фасли” асарининг қўйилиши театрининг замон билан ҳамнафас эканидан далолат беради. Драматург Усмон Азим Буюк Амирнинг фақат бир кунда бўлиб ўтган бир воқеага муносабатини бадий талҳил қилиш орқали ўз гоёсини ишонарли ва мураккаб тақдирлар орқали намоён этолган.

Муҳими, томоша “Адолат фасли” спектакли Миллий театр саҳнасида муносиб ўрин эгаллашига бизни ишонтирди. Зеро, уни кўрган томошабин ўзига яраша маънавий озиқ олади. Соҳибқирон Амир Темур салтанатининг маънавий пойдевори фақат адолатга қурилгани ҳақида тасаввурга эга бўлади.

Марат АСАДУЛЛАЕВ

КИНОАНЖУМАН ТАРАДДУДИ

Ўзбекистон Кинематография агентлигида шу йил 13-18 сентябрь кунлари ўтадиган “Ипак йўли дурдонаси” XIV Тошкент халқаро кинофестивалига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.



Анжуманда Агентлик бош директори Ф.Абдуқолиқов, Миллий кинематографияни ривожлантириш маркази директори М.Мухто-ров, “Ўзбекфильм” киноконцерни директори Б.Одилов, Агентлик халқаро бўлими мутахассиси Ф.Мусаев, Киноарбоблар уюшмаси раиси М.Матжонов, Кинофонд директори Э.Аббосов, “Ёшлик” ёшлар студияси раҳбари А.Мадримов ҳамда — Бутунроссия давлат кинематография институтининг Тошкентдаги филиали директори Э.Йўлдошев кун тартибидаги масалалар юзасидан ийигиланларга ахборот бердилар.

XIII Тошкент халқаро кинофестивалида дунёнинг 14 та давлати санъаткорлари қатнашган бўлса, бу йилги XIV кинофестивалда 38 та давлат вакиллари иштирок этади. Намойиш учун 150 дан ортиқ фильм тақдим қилинган. Фестиваль дастурига юздан ортиқ жаҳон фильми киритилган. Мазкур фильмлар орасида Буюк Британия, Малайзия, Польша, Руминия, Франция, Эстония, Япония, Италия, Исроил, Миср, Австралия, Нидерландия ва бошқа мамлакатларнинг энг яхши асарлари бор. Хориждан келган таниқли режиссёр ва сценарий муаллифлари ёш киноижодкорлар учун семинар ва маҳорат дарслари ўтказишди, шунингдек, кинофильмлар намоёиши ва кино танқидчилар билан суҳбатлар ташкил этилади. Фестиваль кунлари ишбни давом эттираётган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо Озарбайжон, Арманистон, Туркия, Беларусь, Эрон, Мўғулистон каби давлатларнинг фильмлари фестивалда намоёиш этилади. Бу эса ШХТга аъзо мамлакатларнинг бой маданияти, тарихи, анъаналари ва фалсафий меросини экранда акс эттириш учун қўлай имкониятидир. Фестиваль кун тартибига кўра, делегациялар ҳамкорлигида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ШХТга аъзо давлатлар кино кунлари ўтказилади. Бундан ташқари, ШХТ кинофоруми бўлиб ўтади, унда иштирокчилар ҳамкорликда кино ишлаб чиқариш режалари ва ижодий гоёларини муҳокама қиладилар. Шу билан бирга, фильмлар намоёиш этилади, маҳорат дарслари, семинарлар, матбуот анжуманлари, ижодий учрашувлар ўтказилади.

Фестиваль кунлари Марказий Осиёдаги биринчи кинокластер — “Киночилар уйи” меҳмонларга тақдим этилади. Ушбу кластер бир вақтнинг ўзидида 3500 дан ортиқ кишини ўз бағрига олади. Шунингдек, “Ўзбекфильм” киноконцерни ҳудудида қурилган ноёб янги павильон ҳам фестивал кунлари ўз ишини

бошлайди. Ушбу павильон “Stage Craft” технологиясидан фойдаланган ҳолда асарларни бадий-технологик жиҳатдан юксак савияда суратга олиш имконини беради. Яна бир янги маскан — кенг қамровли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган ёзги павильон ҳам хизматга шай турибди.

“Ипак йўли дурдонаси” фестивали доирасида ШХТ мамлакатлари, жаҳон киноси, ҳужжатли фильмлар, “Retro кино”, Ўзбекистон киноси кунлари, Халқаро туркий маданиятлар ташкилоти (“TURKSOY”) кинофоруми, МДХ мамлакатлари миллий киностудиялари раҳбарларининг учрашуви каби кўллаб тадбирлар ўтказилиши кутилмоқда.

XIV Тошкент Халқаро кинофестивалининг тантанали очилиш маросимини россиялик таниқли режиссёр Алексей Гранович олиб боради. Қизил йўлакдан ўтиш маросимида кўллаб давлатлар делегациялари, миллий кинолойҳалар вакиллари, дунёнинг 19 та кино мактаблари вакиллари, “Кино 5 кунда” танлови иштирокчилари ҳам қатнашади.

Фестиваль кунлари Тақеши Китано, Арманд Ассанте, Бурак Ўзчевит, Сергей Безруков, Жонни Депп, Тимур Бекмамбетов, Умеш Меҳра каби жаҳон кино юлдузлари, таниқли режиссёрлар, актёрлар билан учрашувлар бўлиб ўтади.

Шу йил 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган ШХТга аъзо давлатлар раҳбарларининг саммитига тўғри келган “ШХТ кино кунлари” фестивалнинг асосий йўналишларидан бири бўлади. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган тадбирларда Россия Федерациясининг “Роскино” раҳбари Инна Шалито, “Қозоқфильм” АЖнинг ишлаб чиқариш бўйича вице-президенти Серик Абишев, “Қирғизфильм” миллий киностудияси директори Ақжон Бекбўлатов ва бошқалар қатнашиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, ўтказиладиган турли кинолойҳалар тақдимотлари, талабалар учун амалий машғулотлар, “Retro-dastur” лойиҳасида тақдим этиладиган олтимшидан ортиқ фильм ва саксондан зиёд мультфильмлар намоёиши мухлисларда қизиқиш уйғотиши табиий.

Мухлислар орзиқиб кутаётган навбатдаги XIV халқаро Тошкент кинофестивали ранг-баранг дастури билан дилларни ҳушуд этади, деган умиддамыз.

Г.УМАРОВА



Баҳодир Эргашов олган суратлар.

ЯНГИ ТАРЖИМАЛАР

Александр БЛОК

Уйғонаман туманли тонгда,
Юзларимга урилар қуёш.
Зиналардан кўтарилаётган
Соғинганим, сенмидинг, оташ?

Ланг очилар оғир дарвоза,
Деразадан анқир еллар ҳам.
Кўп куттириб қўйишган эди
Қўшиқларки, қувноқ ва хуррам!

Юзларимга туманли тонгда
Уринади қуёш ва шамол.
Улар билан кўтарилади
Зиналардан ул соҳибжамол!

Тушларимда — шодон ҳаёллар,
Тушларимда — эмасман ёлғиз...

Тонгга яқин уйғотди шовқин,
Парчаланиб кетаётган муз.

Хаёлимдан кўчди мўъжиза...
У томонда — болталар чархлаб,
Хурсанд, қони қайноқ одамлар,
Гулхан ёқди, ҳангоматалаб.

Қатрон суриб оғир қайиққа...
Дарё куйлар ортиб ҳаваси,
Кучоғида муз, мовий тўлқин
Ва эшакнинг синган парчаси...

Бундай бахтли дамларда сархуш
Каби юрак кенгайар чексиз...
Айрилмайди мендан энг ажиб
Хаёлларим — эмассан ёлғиз...

Най навоси кўприк устида,
Гулга кирди олмалар оппоқ.

Фаришталар кўкка кўтарди
Яшил рангли юлдуз ярқироқ.

Нақадар соз кўприкда туриб,
Кўз ташламоқ тубсизлик қадар —
Бу сув бунча тиниқ, тезоқар!

Чўпон, қани ҳайда отарни...
Най куйлади, юлдуз порлади.
Унут дунё ташвишларини,
Тезоқар сув кимни чорлади...

Сен ҳеч қачон англамагансан —
Тубсизликки, дилбар, бегубор!
Сен ҳеч қачон тингламагансан —
Бундай теран сукут қайда бор!...

Сен-да оқар хаёл сурдингми
Ёки ажиб бир туш кўрдингми...

ПУШКИН УЙИ

Пушкин номли Фанлар академияси!
Яқин, дилга яқин товуш нақадар!
Бу — улғу дарёда жарангдор товуш,
Кемадан-кемага кечқувчи хабар.

Бу — қадимий Сфинкс, нигоҳи олис
Тўлқинлар изини кучади енгил.
Енгилмас мис отлик, темир чавандоз
Гўёки тулпорда учади минг йил.

Гарчанд сузиб ўтди ўтли қайғулар
Нева боши узра сирли ва беун.
Кутиб олди гўё оғир сукутда
Қоронғу кунларни оловли оқ тун.

Алвон водийларни тухфадай тутган
Бу дарё бизни-да этмишдир асир.
Гарчанд бу — биз кутган кун эмас, асло,
Гарчанд кутганимиз — келажак аср.

Четлаб ўтиб умри қисқа алдовни,
Чириб бораётган кунларни бир-бир.
Тиниқлашди мовий — пуштиранг туман,
Келаётган янги кунга инди нур.

Сенинг товушларинг эмасми жўшқин,
Ҳаяжонга солган бедор йилларни?
Сенинг севинчларинг эмасми, Пушкин,
Қанот каби ёзган бизнинг қўлларни?

Шундандир — бу товуш ҳар битта қалбда
Ҳамиша қадрдон, ҳамиша яқин.
Пушкин номли Фанлар академияси —
Садоки, мафтункор! Садоки, чакин!

Шундандир — кун ботар чоғи ол ранглар
Тунга сингиб борар гўёки изсиз.
Мен эса Сенатнинг оқ майдонида
Унга таъзим бажо айлайман сўзсиз!

Рус тилидан Ойгул СУЮНДИКОВА
таржимаси.

БУНДАЙ ТЕРАН СУКУТ ҚАЙДА БОР

КИТОБИНИНГ ИЗНИ ЎҚИДИМ



ТАБАРРУК ДАРГОҲ
ТАЪРИФИ

Ўтган йили Ўзбекистон телеви-
дениесининг 65 йиллиги муносабати
билан соҳа ривожига ҳисса қўшган ин-
сонлар ҳақида кўплаб телерадиодас-
турлар тайёрланиб, эфирга узатилди.
Мазкур санага бағишлаб китоблар
ёзилди, тақдимот маросимлари бўлиб
ўтди. Шулар орасида тележурналист
Марат Асадуллаев қаламига мансуб
“Телевидениенинг назарий ва амалий
асослари” китоби ҳам назарий, ҳам
амалий жиҳатдан ёшларга қўллан-
ма бўладиган китобдир. Муаллиф
ҳаётининг 40 йилини телевидениеда
ўтказган. Китобда телевидение жанр-
лари кўзумчоқдек бир ипга тизиб
таърифланади. Сиёсий, иқтисодий,
баддий, маърифий, спорт, кўнгилочар
дастурлар тайёрлаш сирлари, ахборий
ва тахлилий дастурлар аҳамияти ба-
тафсил изоҳланган.

Ҳар бир ёш мутахассис яхши
ижодкор бўламан, деса ушбу китобни
синчковлик билан ўқишини маслаҳат
берган бўлардим. Филология фанлари
доктори Хуршид Дўстмуҳаммад: “Ҳеч
иккиланмасдан айтиш жоизки, китоб
тележурналистлик касбини танлаган
ва шу соҳада фаолият юритаётган
ҳамкасблар учун низоҳатда фойдали
қўлланма вазифасини ўтайди. Бугун-
ги ахборот оқими шиддатли тус олган
даврда телекурсувлар тайёрлаш
борасида ҳам жуда-жуда асқотадиган
йўл-йўриқлар, тавсиялар тақдим эта-
ди”, деб ёзади китобдаги сўзбошида.
Китобда ўз касбининг устаси
бўлган устозлар ҳақида ҳикоя қили-
нади. Айниқса, Ҳайитмат Расулов,
Убай Бурҳон, Элбек Мусаев, Мақсуд
Юнусов, Маҳкам Муҳаммадов, Эргаш
Каримов, Мираббос Мирзааҳмедов,
Ҳайбатилло Алиев, Мели Маҳкамов,
Қўзижон Ҳақимов, Урол Ўтаев, Неймат
Саъдуллаев, Ўқтам Жобиров, Фарҳод
Бобожонов, Абдумўмин Ўтбосаровнинг
ижодий маҳорати очиб берилган.

Марат Асадуллаев “Адабий дра-
матик курсатувлар” муҳарририятида
ишлаб, “Ғазал оқшоми”, “Адабий пор-
тре” курсатувларини тайёрлаш орқа-
ли эл севган шоирлар билан ҳамсуҳ-
бат бўлган, “Телевизион новеллалар
театри”, “Театр учрашувлари”, “Театр
ва замон” курсатувлари жараёнида
сахна усталари билан соатлаб мулоқот-
лар уюштирган.

Алқисса, ўзи ишлаган даргоҳ ҳақи-
да яхши сўз айтиш, ҳамкасбларни
таърифлаш орқали Марат Асадуллаев
ўз касбига бўлган садоқатини намоян
этган.

Эркин ЗСИРГАДИЕВ,
Ўзбекистон миллий
телерадиокомпанияси
телерадиодастурларни
мониторинг ва таҳлил қилиш
бўлими бош мутахассиси

кунги ичганларингиз...

— Бор-бор, айтганини қил, — буюрди мижоз. —
Жаҳлимиз чиқса, ошхонангни кўтарасига сотиб ола-
миз!

«БЕЧОРАЛАР»

Тўртовлон қийқириб қулишди.

Буюртма келтирилгач, собиқ ҳисоб-
чи шишани очди. Сопол пиёлаларга

“култ-култ” латиб ароқ куйгач, шерикларига узатди.

— Бола-чақамиз бахтига омон бўлайик. Қани, ур-
дук!

— Ў, зорманда-ей, “самаделка”га ўхшайди-ку! —
ёзғирди сур теллакли. — Ўҳ, чимчисиям аччиқ экан,
ёндириб ўтди-е!

Бир муддатдан сўнг қизғин гурунғ бошланди.

— Етти-саккиз жонга арзимас пенсия нима бўла-
ди? — ёзғирди ҳисобчи.

— Яшаган яшаб ётибти, — деди шляпалиси. —
Бизга ўхшаганларга қийин.

— Э, нимасини айтасиз, тунов куни бобойнинг

олдига бордим, — деди кемирувчилар қушандаси.

— “Ота, бу ёғига қайтамиз?” десам, бобой: “Тўрт му-
чанг соғ, ногиронликка бало бўрмий ўласинми, да-
лада ишласанг?!” Бозордаги бизнесмен хотинча ҳам

бўлмайсанми, кўса?” деб сўкиб берди. Эшик-
ни қарсиллатиб ёпиб чиқдимиз кетдим.

— Ай, дўстим-ов, бизни ким ҳам тушунарди.
Хотиннинг минғир-минғири мени ҳам тамом

қилди, — ёрилди бошқаси. — “Пенсия-
сини кўчада жеб қўяди, мардикорчи-
лик қилиб пул топсин, ногирон бўп қол-
тима”, дейди...

— Меники ҳам шу, — ижирғанди сур теллакли,
— “Духтирлар ногиронга чиқармаганда, бинойи-
дай ишлаб юрардингиз”, дейди!

— Қаранг-а, бекорга айтишмаган-да: “От
душмани қамчиндур, қўлингизда билмайсиз.
Эр душмани хотиндур, қўйингизда билмай-
сиз”, деб.

— Вот маладес, топиб айтингиз лекин, қани
шу матал учун ичамиз!..

— Турсунбой, “Денов” дан яна биров!..

Кейин бири қўйиб, бири жавабай бошлади:

— Лекин, кечаги карта ўйинимиз зўр бўлди.

Эрталабдан кечгача ўйнабмиз-ей. Нариги кўча-
дан келган ногиронларга ўн марта “Туз”ни ил-
диг-ов!

— Вой, анави ПМК-
дан келадиган оқсоқ
бор-ку, чатоқ экан,
кўз очиб юмгунча
бор-йўғимни шилиб
олди, занғар!

— Милисадан пен-
сияга чиққан Самад бобо
бор-ку, бугун шу билан айтишиб
қолдим. “Сенларни қайта комиссиядан ўтказиш керак.
Ҳамманг ишга яроқлисан. Бизнинг ёшимизга етгун-
ча ишланглар, ҳирсдай кучларинг бор! Менга қолса,
барингни Мирзақулга обориб, итдай ишлатар эдим”,
дейди.

— Биз бечоралар билан нима иши бор, бу чол-
нинг?

— Ҳе, бундайлардан дўст чиқмайди.

— Олдик, бизга ҳам кун туғар бирор кун.

— Турсунбой, рачўт қил!

— У кунги қарзларингиз билан юз минг сўм.

— Ҳе, ҳик, бечораларни шилиш экан-да ишинг.

Тўрт “бечора” бир-бировига суяниб, алпанг-тал-
панг юриб дарвозадан чиқишди. Чорпоя устида
ароқдан бушаган шишалар думалаб ётар, кир дас-
турхон устида чивинлар ғужон уйнарди.

Чори АЛИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН БАДНИЙ АКАДЕМИЯСИ ФАОЛИЯТИДАН



Раяно Пардахонова. Тикувчилар (2022).



Зебо Алимова. Юртим манзараси (2022).

ЁШ РАССОМЛАР КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон давлат санъат музейида очилган “Мустақиллик менинг
нигоҳимда” деб номланган кўргазма юртимизда ўтаётган “Музейлар ҳафталиги”-
га бағишланди. Экспозициядан Миллий рассомлик ва дизайн институти тала-
ба-ёшларининг элликка яқин ижод намуналари ўрин олган. Мазкур кўргазманинг
асосий мақсади мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқларни рассомлар
асарлари орқали аҳолига етказиш, кўп миллатли халқимизни, айниқса, ёшларни
Ватанини тараннум этувчи асарлар билан яқиндан таништириш, уларни она юрти-
мизга муҳаббат ҳамда садоқат руҳида тарбиялашдан иборат.

Ёш рассом Янгилжон Сабуруваннинг “Шахрисабз. Оқсарой”, “Ўтов”, “Зангио-
та”, “Замонавий нақш” каби асарлари мавзуга янгича ёндашуви билан ажралиб
туради. Шунингдек, Ирода Худойбергенованнинг “Она Ватан”, Нозима Шарофид-
динованинг “Узум терими”, Зебо Алимованинг “Юртим манзараси”, Дилдора
Самидованинг “Менинг шаҳрим”, Муниса Исроилованинг “Дўмбира куйи”, Мох-
нур Нажмиддинованинг “Менинг дунём”, Ботир Исмоиловнинг “Эски шаҳар
ховлилари”, Дияра Абдуллаеванинг “Анор” ҳамда бошқа асарларда буюк бобо-
колонларимиз сиймолари, ўлкаимизнинг тарихий обидалари билан бирга, сўлим
масканлари ҳам акс этган. Табиат манзараларига уйғун ҳолда далаларда ётишти-
рилаётган мева-сабзавотлар, янги узилган гуллар акс эттирилган натюрмортлар
муҳаббат билан тасвирланган.

Қамолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти билан
ҳамкорликда ташкил этилган кўргазма очилишида таниқли рассомлар, санъат-
шунослар, соҳа мутахассислари, профессор-ўқитувчилар, талаба ёшлар ҳамда
санъат ихлосмандлари иштирок этди.

Сарвара ҚОСИМОВА



Юлдуз Саъдиева. Қашқадарёлик аёл (2022).



O'zbekiston
adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз:



Бош
муҳаррир

Салим
АШУР

Тахририятга келган кўлемли таҳлил этилмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқланishi мумкин.

Маъсул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ
Навбатчи муҳаррир: Шухрат АЗИЗОВ
Саҳифаловчи: Нигора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлигида томонидан
0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 924. Буюртма Г - 944.
Ҳақми - 3 босма табоқ, А - 2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташиқлотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ»
нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонаси.

Босмахона манзили:
Буюк Турон кўчаси,
41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.35.

ЖУМА КУНЛАРИ
ЧИҚАДИ
Сотуқда нархи эркин.

